# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

47 сон
22 – 28 ноябр 2007 йил




# ОИЛА ОМОНЛИГИ ЙЎЛИДА...

**Суҳбатдошимиз—Андижон вилояти Марҳамат туманидаги Ҳ. Восилий номли фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Комилахон ИСМОИЛОВА.**

**- Комилахон опа, етмиш ёшга қараб одимлаётган аёл учун бундай масъулиятли вазифа оғирлик қилмайдими?**

- Яратган аёл зотининг зувасини меҳнат лойига қориган бўлса керак. Ҳозир набираларим қуршовида роҳат қилиб, дам олиб ўтирадиган пайтим. Бироқ ўз қобиғимга ўралиб қолишни хоҳламайман. Одамлар орасида уларнинг корига яраб турганимдан шукр қилиб ишлаб юрибман-да.

**- Суҳбат давомида: "Ўн саккиз ёшимдан бери эл-юрт хизматидаман", дедингиз. Фарзандларингиз тарбиясига қандай улгурдингиз?**

- Худога шукр тўрт ўғил, бир қизим бор. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб тиниб-тинчиб кетган. Болаларимнинг отаси Ҳокимжон ака иқтисодчи. У киши билан елкадош туриб фарзандларимизни ўқитиб олий маълумотли, уйли-жойли қилдик. Кексайиб қолдим, деб қараб ўтирмайман, қўлимдан келганича уларни қўллаб-қувватлайман. Ўн тўрт нафар бир-биридан ширин набираларим бор.

**- Сизнингча, оила тинчлигини сақлаш учун яхши қайнона бўлиш зарурми ёки яхши келинми?**

- Ҳар иккиси ҳам. "Қарс икки қўлдан чиқади", деган нақл бор. 17 ёшимда каттагина оилага келин бўлиб тушганман. Оқу-қорани қайнонамнинг қўлида ўргандим. Олий маълумот олиб, қирқ йилдан бери одамлар орасида, яхши-ёмон кунларига кор бўлиб юришимда у кишининг хизматлари катта бўлган. Оила деган муқаддас даргоҳнинг энг олий ҳакамми қайнона ҳисобланади. Ўз маконини тарк этган навниҳол бошқа бир тупроққа қўшилиб, илдиз отгунига қадар унга парвариш керак. Яхши гап, яхши панд-насиҳатлардан озиқлансагина илдизи маҳкам бўлади. Қайнона-келин орасида иззат-ҳурмат бўлса оила дарз кетмайди.

**- Оила омонлиги тил билан, деган тушунчага қандай қарайсиз?**

- Куни кеча бир оилада бўлган манзарани сизга айтиб берай. "Эримдан ажрашаман, ҳаётдан тўйиб кетдим", деб қўлида ҳали икки ёшга кирмаган гўдаги, қорнида бугун-эрта туғилажак ҳомиласи билан қабулимга келган ёш жувонни етаклаб унинг хонадонига бордим. Қайнонаси кўпни кўрган, оғир, босиққина аёл экан. Келиннинг оғзидан чиқаётган гапларга илон пўст ташлайди. Нима эмиш, бу оилага келин бўлиб келиб, ҳеч рўшнолик кўрмаганмиш. Бир синфда ўқиган дугонаси биринчи фарзандини туққанида, унинг бўйнига эри тилла занжир олиб, тақиб қўйганмиш. Қайнонаси келинга: "Қизим, мусулмончилик аста-секин-да, сизга ҳам олиб берармиз", - деса: "Эй, ландовур ўғлингиз минг ишласа ҳам бири икки бўлмайди, пули йўқ. Ҳамма топгани сизнинг чўнтагингизда", - деб бобиллардди. Келиннинг онасини чақириб, насиҳат қилиб, ҳартугул бир битимга келтириб қайтдик. Бироқ бундай аччиқ тил билан оиласини омон сақлай олмаслиги аниқ. Эркаклик ғурури топталавергач, эр ҳам охирги сўзини айтишга мажбур бўлади-да. Мана тилнинг нималарга қодир эканлиги.

**- Сиз фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғинига нечта одам бириктирилган? Ижтимоий ҳимоя йилида уларга қандай имтиёзлар ажратилди?**

- Маҳалла фуқаролар йиғинида 5180 нафар фуқаро бор. Шулардан 2465 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Маҳаллада тўй кўп. Ҳар куни бир нечта хонадонда тўй бўлади. Бу одамларимиз ўзига тўқ, дастурхони тўкис дегани. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 12 та ёш оилага кредит суммаси ажратилди. Кам таъминланган иккита оилага соғин сигир берилди. Ҳайит ва байрамлар арафасида жуда кўп одамлар ҳолидан хабар олинади.

**- Босиб ўтган йўлингизга назар ташлаб кўнглингиз тўладими?**

- Яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам бошимдан ўтди. Яхшисига қувониб, ёмонига сабр қилдим. Меҳрибон умр йўлдошим, ақлли фарзандларимнинг борлиги мен учун энг олий мукофотдир...

**- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**МУНАВВАРА**

*23 декабр—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

## БИЗНИНГ ҲАМ ЎЗ ОВОЗИМИЗ БОР



- Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш изчил амалга оширилмоқда. Ҳар бир фуқаро иқтидорига, имкониятига яраша касб-кор танлаши учун кенг йўл очилди. Айниқса, хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар, уларнинг сиёсат майдонидаги ўрни кенгайди. Истиқлол туфайли аёлнинг сўзи, фикри, таклифи инобатга олинадиган бўлди. Ўзбек аёли жамиятимизда кечаётган сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Мустақиллик одимлари энг чекка қишлоқ, энг чекка маҳаллаларгача етиб борди. Мен ҳам тикиш-бичиш бўйича ўқув-ишлаб чиқариш марказини очдим. Марказ турмуш ўртоғим Иброҳим ака Нажимов бошчилик қилаётган "НИГ" масъулияти чекланган жамият қошида ташкил топди. Иброҳим ака 300кишини иш билан банд қилган бўлсалар, мен 100дан ошиқ опа-сингилларимизнинг ўқиб, ишлаб, ҳаётлари янада фаровонлашувига ўз ҳиссамни қўшишимни ният қилдим. Мана 4 йил ичида юзлаб чеварарларимиз ушбу даргоҳдан учирма бўлиб, ўзлари мустақил иш бошладилар. Албатта буларнинг ҳаммаси юртимизда қарор топган тинчлик-осойишталик ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган одилона сиёсат маҳсулидир.

Букун-юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов жараёни кечаётган тарихий лаҳзаларда номзодлар орасида аёл кишининг борлиги кўнглимизни фахрга тўлдирди. Сайлов демократик тарзда ўтишига ишонамиз ва бунда бизнинг ҳам овозимиз инобатга олинишидан бахтиёрмиз.

**Робияхон НАЖИМОВА,**
**Сурхондарё вилояти, Денов тумани "НИГ" масъулияти чекланган жамият бошлиғи муовини.**

## "САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ" ЙЎЛГА ЧИҚДИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат Акционерлик компанияси томонидан Республикамизнинг чекка ҳудудларидаги муҳтож аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олиш, юқори малакали тиббий ва мурувват ёрдами билан таъминлаш мақсадида навбатдаги Тошкент-Қарши-Ғузор-Қамаши-Яккабоғ-Китоб-Тошкент йўналишидаги «Саломатлик поезди» ташкил этилди.

Жорий йилнинг баҳор ойида ҳам Қорақалпоғистон аҳолиси учун «Саломатлик поезди» ташкил этилиб, 1353 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилганди. 25 миллион сўм миқдоридаги мурувват ёрдами кўрсатилган эди.

Навбатдаги «Саломатлик поезди» 20 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечаклар, 1 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармон, тиббиёт анжомлари ва санитария-гигиена воситаларидан иборат мурувват ёрдамларидан ташкил топган.

Саломатлик кунлари давомида мутахассислар томонидан ногирон болалар, хотин-қизлар, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, жойларда мурувват ёрдамларини топшириш, шу билан бир қаторда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

**Ўз мухбиримиз**

## ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ОАВ

*Ахборот*

"Экосан" халқаро ташкилоти ҳамда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган экологик медиафорум "Ҳудудий ва минтақалараро экологик таҳдидлар шароитида матбуот" деб номланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Медиафорумда таъкидланганидек, Ўзбекистон атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг учун тегишли қонунчилик тизими, ҳуқуқий асослар яратилган, ҳамда уларни замон талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий манбалардан ўринли ва мақсадли фойдаланиш каби масалаларни ҳар томонлама муҳокама этиб боришда, тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, аҳолининг саксон фоиздан ортиқроғи экологик масалаларга оид маълумотларни асосан оммавий ахборот воситаларидан олар экан. Бундан кўринадики, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, кенг жамоатчилик, ҳамда қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг эътиборини атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига кўпроқ жалб этишда матбуотнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Бунинг учун экологик мавзуларда ижод қиладиган журналистларни ишончли ва тасдиқланган маълумот ва манбалар билан таъминлаб бориш, уларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш зарурлигига тадбир давомида алоҳида урғу берилди.

**Ўз мухбиримиз**



# ЧЕВАРАНИНГ ҚЎЛИДАН СУВ ИЧГАН МОМО

- «Меҳнат инсонни улуғлайди», деган нақлга юз фоиз қўшиламан, - дейди Қува шаҳрида яшовчи Сафура хола. - Меҳнат инсонни пишитади, умрини узоқ қилади. Рўзғорига барака киритади. Обрў-эътибор топиб беради. Агар бу меҳнат ҳалолу покиза бўлса... Раҳматлик чолим Маҳмуджон Матҳолиқов икковимиз колхозда қирқ йил ишладик. Ўзимиз ўқимаган эсак-да, фарзандларни ўқитдик. Ҳунар ўргатдик. Ҳозир ҳам уй-рўзғор ишларида ёрдамчиман...

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Сафура хола кулиб қўяди. Шукроналар айтиб, сўзлайди. Мен эсам холани мақтайман:-«Ёшингизга нисбатан анча ёшсиз, палаги тоза одамларнинг фарзанди кўринасиз», - дейман.

- Топдингиз! - суюниб кетади Сафура хола. - Дадам илмли-ҳунарли бўлганлари учун «Ортиқвой халифа», «Ортиқвой косиб», дер эдилар. Кун бўйи ҳатто, тунлари лампа ёруғида ковуш-махси тикардилар. Мен болалигимдан ёнларида дастёрман. Ҳар ҳафтада 30-40 жуфт тайёр ва бир жуфтини доим сандиққа солиб қўярдилар, отамни хаж сафарига юбораман, деб. Бобом олти ой у ёққа, олти ой бу ёққа йўл юриб, хожи бобо бўлиб келганлар. Бозор куни отам кавуш-махсиларни сотсалар мениям олиб кетардилар, махсиларга қараб турасан, деб. Онам раҳматликдан болалигимдаёқ ажраб қолганмиз.

Ҳадемай бўй етиб, кўзга кўриниб қолибман, шекилли, амма-холаларим йиғилишиб, мени турмушга беришди. Ҳай, пешона битта бўларкан, айланай. Яна меҳнаткаш, талабчан оилага келин бўлдим. Қайнона-қайнотам, момо қайнонам бор. Уларнинг айтганларини қилиб, дуоларини олдим. Турмуш ўртоғим Маҳмуджон ака оиланинг ягона фарзанди бўлсалар-да, меҳнатда чиниққан эдилар. Дала ишидан ортиб, ҳар йили баҳорда икки-уч қути ипак қурти ҳам парваришлаймиз. 130-140 килодан пилла топширардик. Сигир соғаман, кув пишиб, сариёғ оламан. Ҳар куни нонуштага иссиқ нон, қайноқ сомса ёпаман. Ҳовлимиз катта боғ, ёз келиши билан марварид тут, ўрик, олма, жийда, ёнғоқ, анор, анжир пишади. Тўйгунча еймиз. Мураббо, шинни қайнатамиз. Ортганини қуритиб, майиз, туршак, қоқи қиламиз, кейинги пишиқчиликкача етади. Буларнинг ҳаммаси соғликнинг кони эди-да, айланай. Икки бетим қип-қизил бўлиб, гурсиллаб юрардим. Болалар ҳам соғлом катта бўлишган.

Ҳа, айтмоқчи момо қайнонам Улуғ хола 105 ёш умр кўрдилар. Ўлимлари олдидан астойдил қўл очиб, дуо қилдилар:-Илоҳим, биттагина набирам Маҳмуджон ўзидан кўпайиб, беш ўғил, олти қизга она бўлинг, Сафураой. Умрингиздан барака топинг!» - дедилар. Худди айтганларидек, беш ўғил, олти қиз кўрдик. Раҳматлик қайнонам Ойимчахон хола ёрдамларини аямадилар. Болаларимнинг дадаси тарбия масаласида қаттиқ турардилар. Эрта билан ҳар бирига топшириқ бериб, мактабда яхши ўқишларини, интизомли бўлишларини тайинлаб, ишга кетардик. Кечқурун уларни қатор териб, юмушларнинг ижросини, мол-қўйга қандай қарашгани-ю, кундаликдаги баҳоларни, оёқ-қўлларининг озодалигини текширардилар. Агар бирон камчилик ёки мактабда паст баҳо олишган бўлса, қўлларидаги тол хивичи билан оёқларига чирт-чирт уриб қўярдилар. Болалар дадасидан ҳайиқишиб, юмушларни сифатли бажаришга, яхши ўқишга интилдилар. Дадаси вақти келса уларнинг аъло баҳоларини, рўзғордаги яхши ишларини рағбатлантиришни ҳам билардилар. Раҳматлик ҳаммасини уйли-жойли қилиб, тўйларини кўриб, 63 ёшда вафот этдилар. Қанийди-я, бугунги кунларни кўриб, яшаб юрган бўлсалар...

Ҳа, тарбия масаласига жиддий қарашнинг меваси тотли бўларкан. Сафура холанинг фарзандлари яхши инсонлар бўлиб вояга етишди. Қизлари—Мавлудахон, Набирахон, Зулфияхон, Фароғатхону Саломатхонлар ўқитувчи, савдо ходими, чевар, уй бекаси. Ўғиллари Валижон, Нуъмонжон, Неъматжон, Мамарасул ва Камолиддин Маҳмудовлар—бири катта олим, иккинчиси таниқли шифокор, қолганлари ўқитувчи, косиб, тадбиркор, қўйинг-чи, ҳаммалари эл-юрт ишига камарбаста. Келинлар Иноятхону қўш Гулчеҳралар, Раҳимахону Маҳбубахонлар ҳам ўқитувчи, шифокор, тарбиячи, ҳисобчи, ҳар бири ўз обрў эътиборига эга.

Сафура хола яна сўзлайди.

- Набиралардан ҳам турли касб эгалари етишиб чиқишди. Ўсибунинглар, тинч замонамизга хизмат қилинглар, дейман, уларни алқаб...

Сафура холанинг айтишича, жума кунлари бирон чеварасининг қўлидан сув ичган момолар савобга эришаркан. Шундай бахтга эришган табаррук момолардан у.

**Санъат МАҲМУДОВА**

# САҲОВАТНИНГ САВОБИ БУЮК

***Суҳбатдошимиз—Қувайт халқаро хайрия жамғармаси Осиё мусулмонлари қўмитаси Ўзбекистон ваколатхонаси Бош вакили Абдулҳаким МАТҚУЛОВ***



**- Абдулҳаким ака, мусулмон дунёсида жаъми Инсон қавмини қўллаш, кемтик кўнгилларга, муҳтожларга кўмак бериш деган эзгу амаллар барчага фарз ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган ваколатхона ҳам шундай савобли ишларга бош-қош эканлиги қувонарлидир. Ваколатхона фаолияти ҳақида ўқувчиларимизга гапириб берсангиз.**

-"Қувайт халқаро хайрия жамғармаси" жойларда турли тиббий марказ ва касалхоналар, уй-жойлар барпо этиш, етим-есирларга ёрдам бериш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, устоз ва талабаларга ҳомийлик қилиш ва ўқув дарсликлар нашр қилиш ишларини амалга оширади.

Жамғарма қошида фаолият юритувчи "Осиё мусулмонлари қўмитаси" эса меҳнат фахрийлари ва турли тоифадаги ногирон оилаларга, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланганларга ҳаётий қувонч бағишлаш, меҳрибонлик уйларига ёрдамлашиш йўлида хизмат қилади.

**-Саҳоватнинг савоби буюк, дейишади. Жамғармадан ёрдам олганларнинг ташаккурномалари битилган мактубларни ўқиб хурсанд бўлдик.**

- Раҳмат. Биз Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Тошкент шаҳридаги "Маҳалла", "Нуроний" ва "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармалари, ногиронлар жамиятлари, Ўзбекситон кўзи ожизлар босмахонаси билан ҳамкорликда иш юритамиз.

Етим болаларга, ногиронларга (аризасига кўра) уларнинг оилавий шароити ўрганилган ҳолда Хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла қўмиталарининг ваколатхонага киритган таклифига асосан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ёрдам берилади.

2004 йил "Меҳр-мурувват" йили муносабати билан кўзи ожизлар учун махсус Қуръони Каримни тажвид ва муаллими соний китоблари билан биргаликда 700 нусҳада (брайл ҳарфида) нашрдан чиқарилди. Ушбу китоблар Ўзбекистондаги кўзи ожизларга ҳамда Озарбайжон, Қирғизистон Республикаларидаги кўзи ожизларга хайрия тариқасида тарқатилди.

Ночор оилалар учун Қурбон ҳайити кунлари қурбонликлар сўйилиб, тарқатилмоқда.

Имом Ал-Бухорий авлодлари билан маданий меросларни ўрганиш лойиҳасини давом эттириш ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик кўприкларини ўрнатиш мақсадида ваколатхонамиз "Маданий мероснинг давомийлиги лойиҳаси"га биноан Имом ал-Бухорий авлодлари учун Абдулазиз ал-Бабтин мукофотини ташкил этган. Мазкур мукофот минтақанинг маданий меросига доир қуйидаги йўналишлар бўйича берилади: Мамлакатимиз ҳаётига доир безакли тадқиқотлар, археологик ва тарихий ёдгорликларни тадқиқ этиб ўрганиш; Минтақа адабиётларини ўрганиш (ривоят, шеър, театр ва адабиётларни); Минтақа марказий (асосий) кутубхоналари ва музейларида сақланаётган қўл ёзма асарларни чуқур ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш.

Ваколатхонамиз булардан ташқари қадимий ёдгорликларни қайта таъмирлаш ишларига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий мажмуасининг қайта таъмирланишида ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили муносабати билан Кўзи ожизлар босмахонаси ҳамкорлигида брайл услубидаги Қуръони карим китоби иккинчи марта чоп этилди.

Ваколатхона томонидан 2004-2006 йиллар давомида қуйидаги моддий ёрдам ҳамда ҳайр-эҳсон ишлари амалга оширилган:

| Номланиши | 2004 йил | 2005 йил | 2006 йил |
|---|---|---|---|
| Боқувчисини йўқотган етим болаларга берилган моддий ёрдам | 148 893 564 | 130 686 600 | 146 331 475 |
| Республикамизда нишонланадиган миллий ва диний байрамларга сарфланган хайрия маблағлар | 81 189 761 | 72 739 274 | 78 955 321 |
| Республика кўзи ожизлар хайрияси учун | 49 869 592 | 12 304 225 | 45 407 170 |
| Тоза ичимлик суви чиқариш учун сарфланадиган маблағлар | 14 479 800 | 17 948 500 | 3 792 000 |
| Умумий маблағлар | 294 432 717 | 233 679 049 | 274 485 966 |

2007 йил режаларимизда яна бир қанча ҳайрли тадбирларни амалга оширишни мўлжаллаганмиз.

Ушбу йиллар учун аудиторлик текшируви ўтказилган. Текшириш натижаси бўйича ваколатхона ҳисоб рақамидан бошқа тижорат, турли хил партиялар ва уюшмаларга пул маблағлари сарфланмаган. Ваколатхонанинг ички харажатлари Ўзбекистон Республикасининг хайриялар тўғрисидаги қонунда белгиланган меъёр яъни умумий тушумнинг 20%гача бўлган қисмида сарфланган.

Аллоҳ барчамизни ёмонликлардан асраб, хайрли ва эзгу ишларимизда доимо муваффақ айласин!

**-Тилакларингиз ўзингизга ҳам йўлдош бўлсин!**

**С. ФАХРИДДИНОВА** (t)

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Дилкаш ва беминнат суҳбатдошингиз—«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасига 2008 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Обуна индекси:

Жисмоний шахслар учун—176

Корхона ва ташкилотлар учун—177

# КИБР—ЗАЛОЛАТ

- Одамзоднинг феъли қизиқ-да,-дея сўз бошлади кекса суҳбатдошим. - Работдаги "Уч қиз" тошини биласизми?

- Ҳа, биламан, кўрганман, бобо!

- Кўрган бўлсанг, яхши. Ўша бир-бирининг устига тахлаб қўйилгандай бўлиб турган тошлар-да! Уларнинг ҳар бири неча тонна келса кераг-ов?! Шунга қарамасдан, салгина, ҳаттоки, жимжилоғинг билан тебратсанг ҳам тебраниб қимирлайди-я!

- Шундай, шундай...

- Ҳув бир йиллар эди. Уч-тўрт жўрам билан бирга боргандик. Мен: "Шу тошларни ҳозир елкам билан ағдариб ташлайман",-дедим. "Қўй, яхши эмас",-дейишди шерикларим.

"Йўқ, ағдараман дедимми ағдараман: гап битта!". Бор кучимни тўпладим-да, тошга елкамни тирадим. Қаранг, бир неча тонна келадиган тош, ҳалигина бармоғим тегса қимирлаб турувди-ку? Бирдан ўнг қўлимга узун чизиқ бўлиб оғриқ кирди. Сўнг елкаларим, умуман, ўнг томоним қақшаб кетаверди. Зўрға уйга етдим. Бир йилча бир тарафим ишламай, тўшакка михланиб ётдим. Одамларга ростини айтишга уялиб, отдан йиқилдим, деганман.

- Ишонишдими?

- Қаёқда, қизим! Халқнинг назари—Ҳақнинг назари, деганлари тўғри. Элни алдаб бўларканми? Тунлари худога нола қилардим: "Уч қиз" тошига бориб, тавба-тазарру қилгани мадор бер, деб. Ўзи отам раҳматли кўп айтарди: "Болам, кибрга берилманглар, кибр-куфр бўлади" деб. Ўтган замонларда бир гуруҳ олимлар илмда тенги йўқ кашфиётларга эришибди. Ҳар тарафдан дунё тан олган, таниган алломалардан ҳам мақтов-олқишлар ёғилаверибди. Олимлар шу даражага борибди-ки, ўзларини кўмирга айлантириб, кўмирдан яна қайта одамга айлантира олишаркан. Бора-бора улар дилида: "Шу одамлар Худо, Худо дейишади. Худо бормикан, ўзи? Худо ҳам биздай бўлса керак-да! Мана, одамдан кўмирга айланиб, кўмирдан яна одамга айлана олаяпмиз-ку", деб ўйлаб, атрофдагилар билан баҳслашишибди. Худо-таолонинг чексиз қудратини қаранг, ҳалиги машҳур олимлар одамга айлана олмай, ўша жойда қоп-қора кўмирлигича қолиб кетган экан..." Шундай болам, бурунгиларнинг гапида хато йўқ, ҳа!..

Шу аснода менга ҳам бир вақтлар бўлғуси олим йигитчанинг гапириб берганлари ёдимга тушди. Йигитча математикадан ниҳоятда билими кенг, кучли экан. Энг мураккаб тенгламаларни ҳам устозларидан аввал ечиб ташлар экан. Курсдошлари гоҳ ҳазил, гоҳ фахр аралаш "калланг зўр",-дейишаркан. Иттифоқо, аспирантурани тугаллаш арафасида муҳим бир мусобақа ўтказилибди. Йигитча дадил чиқиб келибди. Саволларни ўқиб, ичида: "Ие, булар менга ҳеч нимамас-ку, ҳозир қотириб ташлайман. Ҳайъат аъзолари ҳам оғизларини очиб қолишади",-деб ўйлабди. Шу ўй-хаёлларда доскани тўлдириб масала-мисолларни ечиб ташлабди. Кейин виқор билан ўгирилибди. Қараса, ҳайъатдагилар "3", кўпчилиги эса "2" балл кўрсатилган таёқларни кўтариб турганмиш. Рақобатлашаётган жамоадагилар эса қувончдан чапак чалиб юборишибди!.. "Кейин бирдан англаб қолдим,-дейди у. - Қарасам, мисол ҳам, масала ҳам тамоман нотўғри ечилган экан. Эҳ-ҳ, дедим ўзимга-ўзим, эҳ-ҳ! Қора тер—жон тер дейишадими, юз-кўзимдан, пешонамдан тер қуйилиб кетди. Яна, денг, беихтиёр қўлимдаги бўрдан оқариб ётган доска артадиган латтани рўмолчам хаёл қилиб, юзимга босибман. Юз-кўзим оппоқ бўр бўлиб қолиб, баттар аянчли ҳолга тушгандим. Ҳалиям ўша кунни эсласам, хижолатдан иситмам чиқиб кетади. Кибр одамни адаштираркан, суринтираркан-да...".

Хуллас, бобом рост айтадилар: бурунгиларнинг гапида ҳеч хато йўқ, бори тўғри: кибр-куфр, кибр-залолат экан.

**Саъдина БОБОМУРОДОВА, Жиззах шаҳри**

# БИР СЎЗНИНГ ҲИКМАТИ

Дунёда кўнгилдан мураккаб ҳилқат бўлмаса керак. Эрта тонгдан ҳеч қандай сабабсиз руҳим сўник, кайфиятсиз ишга жўнадим. Ҳар кунги йўлдан шошиброқ борарканман, ҳаёлим паришонлигидан қаршимда келаётган қизчани пайқамабман ҳам.

- Ассалому алайкум!

Унинг тили шу қадар бурро эдики, чертиб-чертиб айтилган бир оғиз сўз дилимни яйратиб юборди. Алик олиш асносида жингалак сочларини силаб қўйишдан тийинолмадим. Ўзи бир қаричгина, сўз луғатиям ҳозирча бармоқ билан санарли бўлса керак. Лекин катталарга салом бериш илмини ўзлаштириб улгурган мурғак қизалоқ кўнглим осмонида сузиб юрган булутларни бир зумда тирқиратиб юборди.



Халқимизнинг бир-биридан гўзал асрий қадриятларининг дебочаси салом бериш бўлса, ажабмас. Бу инсонга эҳтиромнинг энг ихчам, самимий ифодасидир. Кўча-кўйда кичиклар улуғларга, бирон даврага қўшилиш, хона ичига киришда ёшидан қатъий назар "Ассалому алайкум" дейиш одат тусига кирган. Бу хушкалом ўнг қўлни кўксига қўйиб айтилса нур устига аъло нур-бундай ўзбекона таъвозе ҳар қандай гинани унуттириб, ғуборларни ювиб ташлайди. Ушбу лутфнинг луғавий маъноси омонлик тилашни билдиришиёқ унинг эзгуликка хизмат қилишидан дарак беради. Ҳатто эртакдаги даҳшатли маҳлуқ ҳам шу сўзлар шарофати билан саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим, дея асирига шафқат қилганини ёдга олайлик. Шундан ҳам маълумки, азалдан "Ассалом" сўзи одамларнинг ўртасида илиқлик пайдо қилиб, меҳр уйғотиб келган. Қаранг, оғизнинг бир четидан чиқиб кетадиган сўзда шунча каромат. Лекин шугина илтифотни ҳам бир-биримизга раво кўравермаймиз.

Кўп қаватли уйнинг тош тарозиси сал бошқачароқ. Кўпинча ишда бўладиган қўшнилар омонлашишдан нарига ўтолмаслиги табиийдек. Бир куни қизчам қовоғини уйиб, дабдурустдан:

- Мен энди Сайёра холага салом бермайман, - деб қолди.

- Ие, нимага? Сени ҳафа қилдими?

- Йўқ. Уларнинг болалари сизга салом беришмайдику, шунинг учун.

Қизимни койиган бўлдим, одамлардан фақат яхши фазилатлар ўрганиш кераклигини айтиб, фикридан қайтардим. Бунинг учун мен улардан умуман ҳақ эмаслигимни уқтирдим. Лекин, тўғриси, бир кунда бир неча бор дуч келадиган кап-катта қўшни болаларнинг кўзини лўқ қилиб ўтиб кетишлари кўнглимни хира қилади. Тунов куни иш юзасидан бир ташкилотга йўлим тушди. Биринчи дуч келган одамим компьютер билан ишлаб ўтирган йигитга одатга кўра салом бердим. У нимагадир алик олишни лозим топмади, нигоҳини эринчоқлик билан манитордан узганча савол назаридай қараб тураверди. Тўғриси, ноқулай аҳволга тушдим. Ғайратим сўниб ишим ҳам битмади.

Иттифоқо, эртаси куни яна шу идорага, бу сафар ҳеч оёғим тортмай кириб бордим. Кечаги йигитнинг ўрнида бошқа ёшроғи ўтирарди. Остона хатламасимдан очиқ юз билан саломлашиб қарши олди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Бугунги ходим битта сўз шарофати ила кечагина ҳамкасби бузган кўприкни қайта қурганди.

Телефонда, йўлакда, транспортда-қаерда бўлмасин, ўзаро мулоқот саломдан бошланади. Келинчакнинг янги хонадонга ташрифи ҳам айнан ёр-ёр садолари остида "етти букилиб" салом беришдан иборатлиги бежиз эмас-шу асно уйдагилар билан, дил ришталари боғланади. Келинликнинг зийнати ҳам ана шунда. Шу нуқтаи назардан, ўғлига олиб бериш ниятида кўз остига олиб юрган қиздан айниб кетган онани тушуниш мумкин. Унинг хасратига қулоқ тутинг-а:

- Тунов куни бир-иккита ёши улуғ онахонлар билан кўча юзида тўпланишиб турсак, ёнгинамиздан индамай ғоз юриш қилиб ўтиб кетди. Йўқ, бу қиз бизга тўғри келмайди. Салом беришники ўргатолмаган онаси қанақа тарбия бергани маълум.

Шу ерда сўзимизни мухтасар қилсак бўлар, чунки асл муддао, гапнинг мағизи ҳам шу саломлашиш одобини оилада ўргатмоқ лозим. Токи бир кун қадрдон уйимиз эшикларини очиб катта йўлга чиқувчи фарзандларимиз қоқилмасинлар. Одамлар қалбига биргина сўз билан меҳр уруғини сепсинлар.

**Гулчеҳра АСРОНОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

# БАҚИРМАНГ, ФАРИШТАНГИЗ КЕТАДИ!

Бозор айланиб юрар эканман, даҳанаки бир жангнинг гувоҳи бўлиб қолдим. Энг ачинарлиси, жанг қаҳрамонлари ёши каттароқ аёл ва муштдеккина қиз эди.

Аёл: – Ҳой, менга қара! Нега бошқа жой қуриб кетгандай пешонамга туриб олдинг? Нима, бозоримни ўлдириб, баракамни учирмоқчимисан?! Уйда эрим билан қўшиб ҳисоблаганда тўрттаси:- "Берсанг ейман, урсанг ўламан", деб йўлимга термулиб ўтирибди. Сенинг нима ташвишинг борки, бунча хира пашшалик қиласан? Бор, бор, бошқа жойга тур, бўлмаса... Ҳе, сани...

Қиз: – Вообще, сен кимсан ўзи, менга хўжайинлик қиладиган? Йўқолиб кет бу ердан! Яна жаҳлимни чиқарсанг, ёшингга ҳам қараб ўтирмайман, - дея таҳдидли оҳангда бақириб, овозининг борича дод соларди.

Аёл бўлса: - Сенга ким тарбия берган ўзи, жуда юзсиз қиз экансан-ку, бунча бурғаға ўхшаб одамнинг юзига сапчимасанг, - дерди.

Қолган сўзлардан қулоқлар том битгандек бўлади.

Оғриқли ўйлар билан беихтиёр яна таниш манзарага нигоҳ ташлаймиз. Тавба, 17-18 ёшлар атрофидаги бу қиз шунча нафратни, бетгачопарликни кимдан ўрганди экан. Сиртдан қараганда ойдек, қошикўзи попукдеккина бу қизни ҳеч ким бунчалик "тили заҳар" деб ўйламас, келин қидириб юрган онахонлар бўлса, "қани шундай келиним бўлса" дея орзуланишлари табиий. Лекин, унинг оғзидан чиқаётган сўзларни ва жазавага тушгандаги аҳволини кўриб "тавба" дейиши аниқ эди.

"Қаҳрамон"ларимизнинг тирикчилик важидан бир-бирини "камёб" ҳақоратлар билан обориб-обкелаётгани"ни кўриб, андиша, ибо, ҳаё каби инсонга хос булган фазилатларнинг четга чиқиб қолганини кўриб, кўнгилларимиз озорланади. Наҳотки, молу-дунё, бир парча ер учун киши ҳар қандай андишасизликдан қайтмаса?..

Бу пайтда уларнинг ёнига чопиб борғинг,-"Ҳой, холажон, ҳой синглим, бироз оғирроқ бўлинг, бу жой ҳаммага етиб ортади. Бугунги кун ўтади, эртага янги тонг отади, шунда бир-бирингизнинг кўзингизга қандай қарайсиз?"-дегинг келади.

Бир ривоят эшитгандим. Икки киши ер талашиб, бири: "Бу ер меники", деса, иккинчиси: "Йўқ, меники", деркан. Шунда она Ер тилга кириб: "Талашмаларинг, икковинг ҳам меникисан", деган экан. Шундай экан, оғирроқ бўлаверайлик, азиз биродарлар!

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
**Тошкент**

Кўнғироқларингиз...

# ВИЖДОНИМ ҚИЙНАЛАЯПТИ...

- Дард айтиб дил изтиробимдан озгина халос бўлмоқчиман,- дея гап бошлади таҳририятга сим қоққан аёл.

**- Қандай дард сизни қийнаяпти?**

- Мен оилада тўнғич фарзандман, учта синглим бор. Ўн тўрт ёшимда отам автохалокат туфайли оламдан ўтдилар. Шофёр бўлганлари билан бизни ҳеч нарсадан кам қилмас, жуда меҳрибон одам эдилар. Онам ҳеч қаерда ишламасди. Мактабни имтиёзли тугатиб олийгоҳга ўқишга топширдим. Шартнома асосида ўқишга кирганим боис ўқишни давом эттиришнинг иложи бўлмади. Келаси йили Янгийўлдаги тиббиёт коллежига ўқишга кириб ўқиб тугатдим. Ҳамшира бўлиб ишлаб юрган кезларимда бир йигит мени ёқтириб қолиб уйимга совчи қўйди.Хуллас тўй бўлди. Менга ҳамма қатори сеп қилиб берган бўлса ҳам, онам бечора қарз бўлиб қолди. Ўзига тўқ оилага келин бўлиб тушган бўлсамда еганим ичимга тушмасди.

**- Нега, улар сизни яхши қабул қилмадими?**

- Йўқ, гап бунда эмас. Қайнона-қайнотам жуда яхши одамлар экан. Улар мени ўз болаларидай қабул қилди. Санжар акам битта ўғил бўлганлари учун барча орзу ҳавасларини менга кўрсатишарди. Аммо мен уларнинг ишончини оёқ ости қилдим, гуноҳ иш қилдим.

**- Нима гуноҳ қилдингиз?**

- Отам ўтганларидан кейин онам нон пишириб бозорга олиб чиқиб бериб бир нави кун ўтказар эдик. Мени тўйимдан кейин қарзини уза олмай анча қийналдилар. Ҳатто отам сингилларимга олиб берган тилла зиракларгача сотиб юбордилар. Юраклари хуруж қилиб анча касалхонада ётиб чиқдилар.

**- Ақлли-хушли аёлга ўхшаяпсиз. Қарз олиб сеп қилишига нега қараб турдингиз. Онангизни ҳоли сизга аён эди-ку!**

- Ортиқча сарф-ҳаражат қилганлари йўқ. Кундалик турмушимиз учун жуда зарур бўлган нарсаларни олиб беришга мажбур бўлдилар. Мен, “кеpакмас энди, ишга кирдим, ишлаб ўз кам- кўстимни қиламан десам”, катталар кўнмади. Яхши жой экан, ортида сингиллари ҳам бўй етиб турган бўлса, мана камини биз кўтарамиз деб туриб олишди. Барибир оғирлик онам бечорага тушди. Қайнотам мулкдор одам экан. Ҳамма нарса қопи билан туради. Ҳар қозонга гўшт ташлаганимда онам, сингилларим нима еб ўтирибди экан деб кўзимга ёш келади. Мен овқатни эмас овқат мени ейди.

**- Отангиз йўқлигини билади. Ҳозирги фермерлар мактаб қуриб, одамларга тўй қилиб беряпти. Оилангизга ёрдам кўрсатиш эсларига келмадими?**

- Бир марта онам касалхонада ётганида эримга йиғласам, дори-дармонларига деб эллик минг сўм пул берди. Қўлда берганга қуш тўярмиди. Ўғил бола бўлганимда керак бўлса мардикорлик қилиб онамнинг ёнига кирган бўлардим. Хуллас уйга кетаётган пайтимда сумкамга озгина гуруч, шакар хатто кир ювадиган совун солиб кетадиган бўлдим.

**- Қайнонангиз билиб қолишидан қўрқмадингизми, онангиз қандай қабул қилди?**

- Онамга куёвингиз берган пуллардан жамғариб олиб келяпман деб ишонтирдим. Бу орада фарзандлик бўлдик. Ўғлимнинг кийим-кечаклари ичига солиб кетиш янада қулай бўлди. Ошхонада доим бир ўзим куймаланганим учун, ишлатилган маҳсулотнинг хисобини ҳеч ким олмас эди.

**- Оилавий аҳволларингизни эрингиз орқали тушунтирсангиз бўларди-ку. Улар албатта сизнинг оилангизга ёрдам берарди!**

- Онам ҳар борганимда қайта-қайта тайинлайди. “Кўзинггни ёшини оқизсанг мени болам эмассан. Эртага бошингга тана тоши ёғилса мен кўтара олмайман”, деб.

**- Ҳали онангизга ёлғон гапириб бораяпсизми?**



- Йўқ, маҳалладан кредит сумма берилгач қарзларидан қутилди. Синглим фабрикада ишлаяпти. Менга тўй бўлган пайтда ёлғизгина тоғам Россияда ишлар эди. Яқинда келиб онамга соғин сигир олиб берди. Сингилларимни бош-оёқ кийинтириб қўйибди. Қайнотам Хаж зиёратига бориб келганларидан бери бизга хадис ўқиб берадилар. Намоз ўқишни бошладим. Кўнглимдаги хижиллик кундан-кунга қўрғошиндай юрагимга жойлашиб мени қийнаяпти. Нафақат буларнинг олдида, ўз онам олдида ҳам ўзимни гуноҳкордай хис қилаяпман. Газетангизни ҳамма сонини оиламиз билан кузатиб борамиз. Опажон! Мен энди қандай қилиб ўзимни оқлай. Айтмай десам дилим ўртаниб, виждоним эзиляпти. Айтай десам ғурурим чирқиллаяпти...

**- Синглим! Ўз қилган ишингиздан пушаймон бўлиб изтироб чекишингизни ўзи катта гап. Яхши оилага, яхши одамларга келин бўлиб тушибсиз бу сизнинг бахтингиз. Қилган хатоингизни ётиғи билан тушунтиринг, улар албатта тушунишади. Очиғини айтиб ёрдам сўрамаганингиз учун сиздан бироз хафа бўлишлари мумкин.**

* * *

***Сизнингча бу аёл қандай йўл тутса яхши бўлади азиз мухлис!***

**Мунаввар УСМОНОВА**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# КЕЛИНОЙИМГА ИНСОФ КИРСА...

Эрталаб, ҳали иш бошламасимдан хонам эшиги тақиллади. Сўнг эшик қия очилиб бир кишининг боши кўринди.

- Киринг, кираверинг, - деганимдан сўнг ғамгин бир йигит кириб келди. У қўлидаги қандайдир лашлушлар солинган каттагина сумкасини бир четга қўйиб, ўтирди.

- Сизлардан ёрдам сўраб келдим. Ёки менга бирор маслаҳат берсангиз... Бошим қотиб қолган, чунки бу дунёда ёлғиз ўзим қолдим,- дея гап бошлади ўзини Мақсуд, деб таништираркан.

**- Нималар ҳақида гаплашмоқчи эдингиз?**

- Гапирадиган гапим кўп. Отам ёшлигимда вафот этгач, онам акам иккимизни ёлғиз ўзлари катта қилдилар. Акамни уйлантирганларида шундай хурсанд эдиларки... Лекин келинойим онам орзу қилгандек ширинсўз, уйим-жойим дейдиган бўлиб чиқмади. Тўйдан сўнг бир ой ўтар-ўтмас, акам билан жанжал бошлади. Онам аралашса, бир-икки марта сочларидан юлиб, уришибди.

**- Нега, бунинг бир сабаби борми?**

- Қўшниларимиздан кимдир ота-онамнинг болалар уйида ўсишганини айтган экан. Келинойим серуруғ ва обрўли бир хонадоннинг кенжа қизи эмасми, онам бир гап айтса: “Отаонангизнинг кимлигини билармидингиз ўзи? Балки улар бирорта алкаш-палкашдир?”,-дея кўнглига тегадиган гапларни айтиб, мазах қила бошлабди.

Келинойим тўйдан кейин ҳам дугоналари билан ресторанларда бўладиган ўтиришларга кетиб қоларди. Акам заводда муҳандис бўлиб ишлар, кун бўйи ишлагач, толиқиб тез ухлаб қоларди. Хотинининг юриш-туриши билан кўпам иши бўлавермасди. Хуллас, улар икки болали бўлишгач, акам келинойимни тергай бошлади. Чунки онам шўрлик туни билан иккита набирасига қараб чиқарди. Келинойим бўлса кеч келар, болалар билан ҳам иши бўлмас, кириб ухларди.

Охири буларнинг ҳаммаси юовошгина акамнинг ҳам қаҳрини қўзғатиб юборди. Бир-икки марта келинойимни урди. У эса болаларини олди-ю, ота-онасининг уйига кетиб қолди.

**- Кейин-чи, ярашиб кетишмадими?**

- Йўқ. Хотини судга бергач, акам ичкиликка ружу қўйди. Онам шўрлик уларни яраштиришга кўп уринди. Бўлмади. Ажрашиб кетишгандан кейин энг ёмон, оиламизни ларзага берган бир воқеа рўй берди.

**- Қандай воқеа?**

- Суд мажлиси тугаб, ҳаммамиз кўчага чиққанимизда келинойим қариндошлари билан бизларни кутиб турган экан. Акамга қараб: “Шошмай тур ифлос! Шу қилмишинг учун сен яхши кўрган иккала болангни ҳам “детдом” га топшириб юбораман. Итдан бўлган қурвонликка ярамас! Кўришга ҳам зор бўласанлар”, - дея шанғиллади.

**- У айтганини қилдими?**

- Афсус... Шундай қилди бу бемеҳр. Орадан бир ой ўтгач онам пенсия пулига майда-чуйда олиб набираларини кўргани келинойимникига борганди. Қон йиғлаб келди.

**- Нега?**

- Чунки келинойим чиндан ҳам жиянларимни болалар уйига топшириб юборган экан. У ҳеч кими йўқлиги ҳақида ҳужжатлар тайёрлаб олибди. Бундан жаҳлим чиқиб қуданикига мен ҳам бордим. Отаси совуққина кутиб олди-да: “Нима, жиянларингга жонинг ачияптими? Нега отаси улар билан қизиқмайди? Энди поездларинг кетиб бўлди. Уларни умуман кўра олмайсанлар. Агар излагудек бўлсаларинг, бунга пушаймон қиламан”,-деди.

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб уйга келдим. Қарасам онамнинг қон босими ошиб кетган, акам эса ғирт маст, ҳовлида думалаб ётибди. Шу куни акам оч қоринга кўп ичиб юборган эканми, ишқилиб эрталаб қон қуса бошлади. Ароқ ичини куйдириб, тамом қилган экан. Уч кундан сўнг вафот этди. Мен ишга ҳам бормай акамнинг маъракаларини ўтказдим. Онамни касалхонага жойлаштирдим.

Бироқ, пешонамга ёлғизлик ёзилган экан. Онам ҳам орадан бир ой ўтар-ўтмас бандаликни бажо келтирди. Энди мен тунлари катта ҳовлимизни айланиб йиғлаб чиқардим. Онамни, акамни соғинардим.

**- Жиянларингизни изламадингизми?**

- Айтгандек, уларни излаб топдим. Институтда бирга ўқиган дўстим вазирликда ишларди. Бориб ундан ёрдам сўрадим. Аммо, кеч қолибман. Жиянларимни олис вилоятдаги болалар уйига жўнатишган экан... Ҳар қалай, акамдан қолган ёдгорларим-да. Уларни топиб, бағримга босиб роса йиғладим. Улар ҳам: “Амакижон, бизни уйга олиб кетинг, дадамни ва бувижонимизни жуда соғиндик”, - дея юрагимни эзишди. Қани энди, рухсат беришса-ю, уларни ҳувиллаган уйимга олиб келиб бағримни тўлдирсам...

Айтишларича, бунинг учун келинойимдан рухсат олишим керакмиш... У эса бир йилдан буён болаларини кўрмабди ҳам... Бир куни унинг қўлида газетангизни кўргандим, зора мақолани ўқиб, инсофга келса-ю, жиянларимни олиб келишимга кўнса... Бағритош келинойимни қандай қилиб кўндирсам экан?

***Азизлар, Мақсуд қандай йўл тутсин? Келинойисига аччиқ қилиб, тинчгина яшайверсинми? Ёки келинойисини кўндириб, жиянларини уйига олиб келсинми? Сиз нима дейсиз?***

**ГУЛБАШАКАР**

Акс-садо

## “МАРД ЙИГИТЛАР БУЗУҚ ЖОЙГА ҚАРАМАС”!

**“Ёлғизланиб қолгандекман”-36-сон**

**ЭСЛАТМА: Бир гал кечга яқин машинада уйга қайтаётсам йўлда бир аёл қўл кўтарди. Йўл-йўлакай гурунглашиб кетдик. У мени уйига таклиф қилди. Учрашувларимиз холисона бўлса-да, оилам, фарзандларимни ўйлаб ундан воз кечдим. Аммо ўшандан бери ёлғизланиб қолгандекман.**

**Муаллиф: Баҳром**

Оиласи, фарзандлари, қолаверса, фирмаси бор ватанимнинг ҳавас қилса арзигулик ўғлони! Нима камингиз бор? Рафиқангиз бўлса, ўғил-қизингиз бўлса...

Афсус, бу ҳолатда ҳеч ким сизга кўнглингга ёққан ўша аёлга уйлан ёки у билан пинҳона бўлса-да, учрашиб тур, деб маслаҳат бермайди.

Айни фарзандларингиз камолга етаётганида, меҳрибон умр йўлдошингиз юзини ерга қаратмоқчимисиз? “Иродали одамман”, дебсиз, ундай бўлса дўппини ерга қўйиб ўйланг, сиз ўша аёлга ачинсангиз, ўз аёлингиз-чи? У ҳам худди шундай қилса чидай оласизми?

“Қариндош-уруғлар ўртасида обрў-эътиборли оиламиз”, дебсиз. Бир танишим айтганди: “Бизга ҳамма ҳавас қиларди, жуда бахтиёр оила эдик, турмуш ўртоғим бир ширин тилли аёлга учради-ю, ҳаётим барбод бўлди. Аммо бир куни тағин оиламизга қайтиб келди. У билан энди болаларим учун яшаяпман-да. Ҳаттоки қўли тегиб кетса ҳам жирканаман. Йиғлайвериб дард топдим... Шунинг учун эринг сени суйганида, “Эй, Худо бахтимизга кўз тегмасин”,-деб ўзингга тупуриб қўй”,-дегандилар. Туркман шоири Маҳтумқули:

***“Мард йигитлар бузуқ жойга қарамас”!*** - деб ёзганда қанчалар ҳақ эди.

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани.**

## ОЛМА ДАРАХТИ ТАГИГА...

**“Қизим ўзимга қайтарди”, 3-сон**

**ЭСЛАТМА: Ёлғизгина қизимнинг кўнглига қараб, ҳеч кимдан кам қилмай ўстирдим. Яқинда билдик, у ҳомиладор экан. Қайтар дунё экан! Ўзим ҳам қиз уйимда ҳомиладор бўлиб қолгандим. Мана, вақти келиб бу ўзимга қайтди. Энди нима қилай?**

**Муаллиф: М. Шукурова**

Онахон! Сизга насиҳат бермоқчи эмасман, аммо мақолани ўқиб, сиздан ҳам, ўша “талаба қиз”ингиздан ҳам қаттиқ хафа бўлдим.

Кечирасизу, сиз аввало ўзини босиб ололмаган, танти қизингизни айбламасдан, барча айбни “куёв”ингизга тақамоқдасиз. Ахир, ҳамма айб эрка қизингизда-ку! Ҳадди йўқки, йигит бирор қизни мажбурлаб қўлидан тортса... Аксинча, қизингиз ўз эҳтиросларини жиловлай олмаган. Ўзини, ота-онасини ўйламай, ўз номусини қурбон қилди. Эссиз ўша қизга ўқиш. Ахир кўп қизлар бу кунларга етишишга зор... Ўқиган қиз жамиятда бошқа қизлардан ҳар томонлама ажралиб туриши керак. Шунга айтишса керакда: “Ўқиган билан уқмаган экан”, деб.

Шошмаса эргаям тегади, рўзғорнинг паст-баланд йўлларидан юради ҳам.

Маслаҳатим—аввало, шу оила билан яқиндан танишинг, сизни эшикдан ҳайдаб солмас, вазиятни ўзаро маслаҳатлашган ҳолда ҳал этишнинг наҳот иложи бўлмаса?

Қизингиз ўша уйда тинчиб яшаб кетишига кўзингиз етадими? Ҳар бир она остонасига поёндоз солиб келин кутади. Қайсики ўша хонадондаги узуқ кўнгилларни уласа - ўша муҳаббат бўлади. Онахон, бошида хатони билиб-билмай қилиб қўйган экансиз. Нега ўша хато қайтарилиши мумкин, деган ҳадик билан яшамадингиз? Хоҳлайсизми-йўқми, бу “доғ” авлоддан-авлодга насл сурар экан. Беихтиёр кекса момоларимиз шунга ўхшашроқ гапни эшитиб қолсалар, улар:

- Фалончи ёшлигида ундай эмас эди, қаёқдан пайдо бўлибди-я, ҳа-я холалари... тушунарли... - дейишарди.

Шу биргина гап билан тамом бўласиз. Қиз боланинг тоши енгил бўлади. Унга бир дарз кетдими, тамом, минг чегаланг, фойдасиз. Қизингизни эсон-омон фарзандини бағрига босиб, тарбиялашига кўмаклашинг.

**Зебинисо ҒАФФОРОВА**

## БАХТЛИ ОИЛА БЕКАСИ БЎЛИНГ!

**“Севилмаган аёл бахтли бўлолмас” - 29-сон**

**ЭСЛАТМА: Анвар деган йигитга турмушга чиққан эдим. Кейинчалик унинг менга бўлган муомаласи ўзгарди. Билсам... унинг хотини ва уч ёшли ўғли бор экан. Мен эса ҳомиладорман. Ажрашсаммикан?!**

**Муаллиф: Ҳулкар Ҳотамбоева.**

Синглим Дилдор! Ота-она фарзандларига ҳеч қачон ёмонликни раво кўришмайди. Аммо билиб-билмай хато қилиб қўйишлари ҳам мумкин. Ота-боболаримиз ўғлини уйлантириши ёки қизини узатишидан олдин уларнинг етти пуштини суриштиришган. Нега сизнинг ота-онангиз Анвар акангизнинг аввал уйланганини билишмаган? Нега сизга билдирмади? Қайнона-қайнотангиз-чи? Улар ўғли уйланганини, уч яшар ўғилчаси ҳам борлигини сизларга айтиши керак эди-ку! Анвар акангиз билан бир эмас, балки 2-3 марта учрашганингизда, эҳтимол сизга бўлган муносабатини билиб олардингиз. Нега бўлажак турмуш ўртоғингизнинг сизни севиш ёки севмаслиги билан қизиқмадингиз? Анвар акангиз билан яхшироқ танишганингизда, уйланганини, фарзанди ҳам борлигини, ота-онаси сизга мажбуран уйлантираётганини, сизни севмаслигини, сиз билан бир умр бирга яшолмаслигини балким айтиб берган бўларди.

Сингилгинам, халқимизда: “Эринг суйди - элинг суйди”, деган мақол бежиз айтилмаган. Сиз қайнона-қайнотангизга ҳам, барча қариндошларига ҳам ёқишингиз мумкин. Аммо эрингиз сизни севмаса бекор. Эрингиз сизни эмас, кундошингизни севади. Тўғри, сизга ҳозир қийин, жуда ҳам қийин. Гўёки ўрта йўлда қолган одамдай қийналаяпсиз. Эрингиз билан ажрашай десангиз, туғилажак фарзандингиз тирик етим бўлиб қолишини истамайсиз. Бирга яшайман, десангиз бахтли бўлишингизга ишонмайсиз.

Сизга маслаҳатим—Анвар акангиз билан кундошингизга бахт тилаб, ўз бахтингизни Оллоҳдан илтижо қилиб сўранг.

**София НАЗАРОВА**

## СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ!

**“Отам кўнглимга қарамади” - 10-сон**

**ЭСЛАТМА: Отам мендан сўрамасдан аммамнинг ўғлига узатди. Эрим севган қизи борлигини, отам мени зўрлаб унга узатганини айтади. Бу ҳақда отамга айтсам у эримнинг ёнига тушади. Энди у мен билан ажрашмоқчи. Менинг айбим нима?**

**Муаллиф: Кўкқўрғоний**

Ҳа, айрим ота-оналар қиз-ўғилларининг кўнглига қарамайдилар. “Ўзимники бўлсин”, деб қариндошидан куёв, келин қидирадилар.

Яқинда бир китоб ўқигандим. Унда: “Ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг хизматларида бўлиш, савобдир”, деб ёзилган экан. Жаннатга киришга лойиқ бўлиш учун ота-она розилигини олиш зарур. Ота-онага озор берса, ранжитса, оғир сўз айтса, дарҳол қўлларини ўпиб, кўнглини юмшатиш, дуоларини олишга киришиш керак. Қизим сиз хафа бўлманг, сизни ишлатмабдими, демак эрингиз рашкчи экан, сизни севади.

Эрталаб туринг, ўзингизга оро беринг, озода кийиниб, уни ишга кузатинг. Кетаётганда, кечки овқатга нима тайёрлаб қўйиш кераклигини сўраб олинг. Келса, яхши гап билан кутиб олинг. Қовоғингизни очинг, бўйинбоғини тақишга ёрдам беринг, дазмолланган кийимларини чиройли қилиб илиб қўйинг. Вазангизда доимо гуллар турсин.

Ҳозир қизингизнинг айни ширин бўлган вақти. Жажжи қўлчалари билан сийнангизни сийпалаб, сийпалаб, энтикиб-энтикиб эмаётганда ҳамма ғам-аламлар унутилади. Сиз ёлғиз эмассиз, қизингиз бор. Уни соғлом, баркамол, бахтли қилиб ўстиринг! Отангизга ҳам, эрингизга ҳам Оллоҳим инсоф бериб қолса ажабмас. Ахир биз мухлислар ҳам сизга шуларни ёзарканмиз, чин дилимиздан Оллоҳдан сабр, бахт, оилавий тотувлик тилаймиз. Саҳар туриб, дарвозангизни очишингиз билан бахт-омад кириб келсин ва сизларни тарк этмасин.

**БУВИЖОН, Қарши шаҳри.**

## ОНА БЎЛИБ МЕҲР КЎРСАТСА..

**“Боламни бергим келмайди...” - 40-сон**

**ЭСЛАТМА: Бир ўғил бир қизим бор. Учинчи фарзандимга ҳомиладорман. Қайнонам болам туғилиши билан бефарзанд овсинимга олиб бермоқчи. Ўзимга қолса бўйим тенги тиллога ҳам боламни алиштирмаган бўлардим...**

**Муаллиф: Мунаввара**

Ушбу мақолани ўқиб жуда таъсирландим. Жамиятимизда, миллий қадриятларимизни оёқости қилиб, туққан фарзандларидан воз кечаётган аёллар ҳам учраб туради. Ўз гарданига илинган тавқи лаънатни бегуноҳ мурғак гўдаклари шаънига юқтирган беибо оналар (агар буларни она деб бўлса) бу сўзлардан ибрат олса бўларди. Мастурахоннинг қайнонаси ҳам шу томонларини ўйлаб, иккинчи ўғлининг турмуши бузилмаслиги учун болани бефарзанд овсинига олиб бериш режасини тузган бўлса ажабмас. Менинг фикримча Мастурахон бунга рози бўлишлари керак. Фарзанди бегона оилада эмас, кўз олдида тарбия топса, бир тирноққа зор оиланинг суюкли эркаси бўлиб юрса, бунинг ёмон томони йўқ-ку! Бу каби ҳолатлар ҳаётда кўп учрайди. Овсинлар аҳил бўлиб гўдакка бири туққан, бири боққан она бўлиб меҳр кўрсатса, бола янада баркамол бўлиб улғаяди.

**Раззоқ ҲАКИМИЙ,**
**Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри.**

## БИР ПИЁЛА ЧОЙДА ҲИКМАТ КЎП...

**“Бир пиёла чой”, 32-сон**

**ЭСЛАТМА: Кўчамизда уста Абдулла деган этикдўз бўларди. Унинг дўконидан эрта-кеч одам аримасди. Одамлар унинг дўкони ёнидан ўтаётиб «Чой бор», деган мулозаматини эшитишгач, қадам ранжида қилмай ўтолмасди. Бир пиёла чой устида суҳбат қуришнинг ҳикмати ўзгача. Илоё, чойимиз бор бўлсин.**

**Муаллиф: Зуҳра Қурбонова**

Ушбу мақолани ўқиб, ёшлик йилларим ёдимга тушди.

Ўша йиллари мактаб ўқувчилари пахтани ягана-чопиқ қилишар, терим пайтида пахта теришга ёрдам беришарди. Мен ҳам ёрдамга чиқиб, теримчиларга чой дамлаб берардим. Ўша вақтдаги муаллимлар ҳозир ҳам биронта маросимларда учратиб қолишса: “Бизга хўп чой дамлаб берардингиз-а, опа”, деб ўша даврни эслашади.

1982 йилдан 1987 йилгача колхоз идорасида котиба бўлиб ишлаган вақтимда кўпинча бошлиғим далага ёки йиғилишга кетарди. Мен идорада турли ишлар билан ўтирардим. Шу вақтларда туман ҳоким ўринбосарлари, котиблар ёки бошқа раҳбарлар келишарди. Шунда дарров ўзим ўраб қўйиган нон, қанд-қурс-у, чойни дарров олдиларига қўярдим. Ўша даврда раҳбар ёки масъул ходим бўлиб ишлаганлар ҳам: “Опа, бизни чой билан меҳмон қилар эдингиз-а! Ўша бир пиёла чойингизни ҳалигача эслаб юрамиз-да”, дейишади. Мен, “раҳмат”, дея ғурурланиб қўяман.

Ҳақиқатан ҳам бир пиёла чойим 20-30 йил ўтган бўлса-да, ҳанузгача қадрланиб келаяпти. Шу чой туфайли раҳматлар олиб келаяпман. Қўшнилар хонадонимга кириб қолишса ҳам дарров бир пиёла чойга таклиф қиламан. Чунки бу одатга ўша вақтларда ўрганиб қолганман-да. Агар мен биронта хонадонга иш юзасидан кириб қолсам, баъзи хонадон эгалари қўярда-қўймай, бир пиёла чой ичишга таклиф қилишади. Чойни дамлаб, уни ичиб, чақчақлашиб ўтирамиз. Гап чойда ҳам эмас, одамнинг кўнгли учун олдига бир пиёла чой қўйилса, унинг ҳурмати.

Қизим Зуҳрахон! Айтганларидек, бир пиёла чой арзимаган нарса бўлса-да, унда жуда ҳикмат кўп экан. Шу бир пиёла чой учун қанчалар кўнглимиз кўтарилади. Илгари ота-боболаримиз келган одамнинг олдига овқат ёки нон бўлмаса-да, дарров бир пиёла чой дамлаб қўйиб, ҳурматини жойига қўйишарди.

Бу ўзбекона одатимиз боқий бўлишини истайман.

**Паттихон САМАДОВА, Фарғона вилояти.**

## ПУШАЙМОН БЎЛМАЙСИЗ...

**“Бировнинг боласи” - 40-сон**

Дурдонахон, гап-сўзларингиздан анча мулоҳазали, эсли-хушли аёл эканингиз сезилиб турибди. Биринчи турмушингиздан фарзандсизлик туфайли ажрашган экансиз. Оллоҳнинг ўзи сизга Сарварни ҳамда унинг отаси Анварни рўбарў қилибди. Бу сизнинг тақдирингиз. Энг зарури ширинтойга ўзингизнинг ҳам меҳрингиз тушибди, отасига ҳам кўнгил қўйибсиз. Уйдагиларингизнинг унинг боласи борлигини билиб айниши, менимча, жуда нотўғри. Аввало Оллоҳ сизга ҳам тирноқ ато этсин, ҳеч бир бандасини бу бахтдан мосуво этмасин. Бунинг ўзи сизга синов бўлиб турибди. Сарварга она бўлсангиз, пушаймон бўлмайсиз. Ота-онангизга шуни тушунтиринг. Кўнглингизда нима борлигини, юрагингиз Сарварга боғланганини, болакай нурсиз ҳаётингизга нур олиб кирганини уларга очиқ айтинг. Ана шунда яқинларингиз ҳам сизни тўғри тушунишади. Анвар ака билан турмуш қуриб, ўғлига она бўлишингизга қаршилик қилишмайди.

**Равшан ИСОҚОВ**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Ҳурматли САЙИД устоз!**
Туғилган кунингиз билан табриклайман. Доимо соғ-саломат бўлинг. Ишларингизда муваффақиятлар тилайман.
Назокатхон.

**Оиламиз қувончи САРВИНОЗ!**
1 ёшга тўлганинг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга соғ-саломат, шод-хуррам, ўйнаб-қувнаб ўсгин.
Ота-онанг.





**АСРОРХЎЖА!**
Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ-омон улғайгин. Умринг узоқ ва мазмунли бўлсин.
Яқинларинг.
Тошкент шаҳри.

**Жияним МУНИСАХОН!**
Таваллуд айёминг, яъни мучал ёшинг билан табриклайман. Ҳамиша соғ ва бахти бекам қиз бўлиб ўсгин.
Холанг Дилафруз



**Синглимиз Юлдузхон ХИДИРОВА!**
Навқирон 16 ёшинг муборак бўлсин. Сенга бахт-саодат, узоқ умр тилаймиз. Яхшилар ва яхшиликлар ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин.
Оила аъзоларинг

**Дўстимиз Бахтиёр ИСАЕВ!**
60 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.
Иброҳимжон

**Ҳурматли Собир ОБИДОВИЧ!**
Таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Соғ-саломат бўлинг. Ишларингизда омад ва зафарлар тилаймиз.

*Юрагингда ғайрат жўшар,*
*Билагингда кучинг тошар,*
*Қалбда эзгу ишлар яшар,*
*Гар ниятинг холис бўлса.*

*Бошинг узра чақнар қуёш,*
*Юлдузчалар сенга сирдош,*
*Қўйишади кўксингга бош,*
*Гар ниятинг холис бўлса.*

«Лола» гўзаллик салони жамоаси.

# ЧИРОҚ — ОМАД ЭКАН

**Туш таъбирномаси**

Бундан тўрт йил олдин отам бобомдан қолган эски уйни бузиб, ўрнига янги замонавий кўринишдаги уй сола бошлади. Усталар ишга тушиб, уларга икки маҳал иссиқ овқат, нон, чой тайёрлаш керак. Онамнинг оёғи оғриб, юролмасдан қолди. Аммо ўтирган жойида ҳам менга картошка, пиёз артиб берарди.

Вақт топиб китоб ўқий олмасдим сира, чунки ўқишга кирмоқчи эдим-да...

Шундай дамда онамга йиғлаб, дардимни айтдим. Онам кўз ёшимни артиб, оҳистагина елкамга қоқиб:

- Сен ўқишга албатта кирасан бу йил. Мени айтди дерсан, тушимда момом сенга чироқ берди. Пиликли, чироқ ёруғлик-яхшилик бўлади, кўнглингни бузма қизим",-дедилар. Онамнинг бу гапидан янада руҳланиб, вақт топиб, керак бўлса қозон бошида ҳам, тандирда нонни ёпиб ҳам, тонгда ҳам вақтим топилса китоб ўқийвердим. Кейин бир кунда Тошкентга келиб ҳужжатларимни институтга топшириб кетдим. Кейин имтиҳон топшириладиган куни келдим.

Тўрт-беш кундан сўнг талаба бўлганлар рўйхатида менинг исм-фамилиям борлигини ўқиб билиб, бирам қувондимки... Онам тушида кўрган момом берган чироқ омадим экан. Шу момом керак пайтда менга кўп ёрдам бердилар, керак пайтда хавф-хатардан огоҳлантирдилар.

Тошкентдаги "Мотамсаро она ҳайкали" ёдгорлаги худди менинг момомга ўрнатилгандек гўё

Мен ўша ёдгорлик олдига кўп бора бораман. Гаплашаман, дардлашаман. Ҳар гал жуда эрта—тонгда бораман...

**Зебунисо ҒАФФОРОВА**

**САБОҚЛАРИМ—ХУЛОСАЛАРИМ**

Баъзилар эрини хотини, хотинини эри алдаб, бевафолик кўчасида ўйнаш орттириб юрадилар-да, пайти келганда шу ўйнашларини ҳам алдаб кетадилар. Бузуқ одам ҳамиша бузуқ-да. Дарвоқе, ўз танмаҳрамига бевафолик қилган одам ўйнашига вафолик қиладими? Психологияси ўша-ўша-ю!

**Азимжон ҚОСИМОВ**

**Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳридаги 4 хонали, таъмирланган уй (3-қават) зудлик билан СОТИЛАДИ. ТЕЛ: 332-65-13, 405-59-13**

ТАТУдан 2004 йилда **ҲАЙДАРОВ ОТАБЕК УМРБЕКОВИЧ**га берилган **04КТТ20** рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нарҳда ўргатаман.
**Тел: 170-18-86**

## Жон—жигарларимиз

# КЕЛИНОЙИ

Бир мақол бор: "Сирим кўчага чиқсин десанг, келин қилиб кўр". Мақол қанчалик тўғри ё нотўғри билмадим-у, лекин менинг келинойим оиламизга худди фариштадек кириб келди. Оиламиз катта бўлганлиги учун уйда мен энг кичиги ва эркатойи эдим. Эртаю-кеч келинойимнинг орқасидан қолмасдим. Унинг ҳар хил кийимлари, тақинчоқлари мени ўзига ром этарди. Онам қанча уришмасин, кечаси ҳам хонасига кириб расм томоша қилардим. Келинойимнинг бир-биридан қизиқ ҳангомалари, мени тунги 12-1 ларгача қолиб кетишимга сабаб бўларди. Акам ҳам ўз навбатида менга майин гапирар, онамнинг қистовлари билан зўрға бориб ухлардим.



Уйимизда ҳамма нарса саришта-тоза турарди. Келинойимнинг қўлидан келмаган иш йўқ эди. Онам ҳам куну тун келинойимнинг дуосини қилиб, миннатдорчилик билдирарди. Қўшни хола онамнинг олдига чиқиб ҳадеб келинидан нолир, ўғлининг ўзидан совутаётганини бот-бот қайтарарди. Онам эса жилмайиб: "Ўз ҳолларига қўйинг, келинингиз ёмон эмас, қўли ширин пазанда, яхши муомала қилаверинг. Яхши гап нималарга қодир эмас", - деб маслаҳат берардилар. Ва келинойим ҳақида гапириб, ғурурланиб қўярдилар: "Келиним ҳам бир болам-да, биров гулдай қизини менга шундай бериб қўйган бўлса. Қандай ёмонлай, ахир?»

Мен холани ёмон кўриб кетардим. Тавба, келини шундай чаққонки, ҳозир ҳам бир ҳовли кир ювиб ўтирибди. Қайнонаси бу ёқда нолиб ўтирса. Йўқ, менинг келинойимни ҳеч ким ёмонлашга ҳаққи йўқ.

Йиллар бир-бирини қувиб, мурғак қалбимдаги эркаликларни вазминлик, сиполик эгаллади. Энди мен келинойимга олдингидек эркалик қилолмасамда, энди у сирдошимга айланганди.

Мен ҳам оқ-қорани ажрата оладиган, бўйи етган қиз эдим. Келинойим гапларимни тинглар ва менга тўғри йўл кўрсатарди. Вақти келиб, онажонимга айтолмаган сирларимни ҳам келинойимга айтардим. Ниҳоят олий ўқув юртини тамомлаш арафасида битта гуруҳда ўқиган курсдошимдан менга совчи борадиган бўлди. У йигит обрўли хонадондан бўлиб, ўзимга ҳам ёқарди.

Орадан ҳафта ўтиб, бекатда у мени жилмайиб кутиб олди. "Бугун уйингизга совчилар боришади. Савдони пиширмай қайтмаймиз, дейишди". "Балки мен ёмон қиздирман, суриштирмай-нетмай...", десам, гапимни шартта бўлди-да, "Нима деяпсиз, холам аллақачон келинойингиздан сизни сўраб-суриштирибди. Келинойингиз ҳам ажойиб аёл экан. Сизни оғзидан бол томиб мақтабди. Бугун холам: "Онаси мақтаган қизни олма, янгаси мақтаган қиздан қолма", - дедилар дея шошиб кетди.

Ҳозир 4 нафар фарзандим бор. Жуда бахтлиман. Менинг бахтли бўлишимда келинойимнинг ҳиссаси катта. Онам ҳам дуо қила-қила рози бўлиб кетдилар. Мен учун келинойим худди онамдай бўлиб қолган. Қандай муаммом бўлса иккиланмай маслаҳат соламан. Бир мен эмас, барча опаларим ҳам шундай.

Ҳар сафар уйга борсам, келинойим кулиб кутиб олади. Ҳаммамизни алоҳида ҳурмат ва иззат билан кутади. Шунгами, биронта тўй-маъракамиз келинойимнинг маслаҳатисиз ўтмайди. Ҳозир ўзим ҳам, келинойимам қайнсинглим, қайнукаларимга яхши муомалада бўлишга ҳаракат қилиб келаяпман. Келинойим биз учун меҳрибон она.

Мен ўйлайманки, ҳамма келинлар шундай. Фақат уларга ишониш ва меҳр кўрсатиш лозим. Зеро, яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам битта оғиздан чиқади.

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Тошкент вилояти, Бўка тумани.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафтанинг биринчи ярмида маблағ ва суғуртага оид ишларингиз амалга ошади. Кўпдан орзу қилган либосингизни харид қиласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ҳуқуқий масалага тегишли ишларингиз ҳал бўлади. Ҳамкорларингизга нисбатан сал қаттиққўл бўлганингиз маъқул.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Анча сермаҳсул ҳафта. Раҳбарларингиздан мақтов эшитасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида севгилингиз билан учрашасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Давраларда камроқ бўлинг. Кўпроқ уй-рўзғорингиздаги юмушлар билан шуғулланишингиз лозим.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Дўстларингиз билан боғлиқ пул масаласида муаммо келиб чиқиши мумкин. Вақтингиздан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Истеъдодингизни ишга солсангиз каттагина ютуқларни қўлга киритасиз. Бироқ бу ҳафтада ишга оид хизмат сафарига чиқманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Муваффақиятларга эришмоқчи бўлсангиз ўз фикрингизда туриб олманг. Атрофдагиларнинг гапини ҳам эътиборга олинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Зарарли одатларингизни ташлашингиз лозим. Харажатларингизни ҳам меъёридан ошириб юбормасликка ҳаракат қилинг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Кўпроқ дам олинг, ёлғиз қолиб фикрларингизни жамланг.Меҳмонга боришдан ҳам вақтинча воз кечганингиз маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Янги дўстона муносабатларни йўлга қўясиз. Лекин бизнес ишларингизга дўстларингизни аралаштирманг. Муаммо чиқиши мумкин.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Сафарга ёки саёҳатга чиқишдан фойда кўрмайсиз. Ишда омадингиз келади. Яқинларингиз билан баҳслашмаганингиз маъқул.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Билим олиш учун қулай ҳафта. Спорт соҳасида муваффақият қозонишингиз мумкин. Севгилингиз билан учрашасиз.

ҒАРОЙИБ

# ЧАМАНДА ЧАЛИНГАН ЧИРМАНДА

Чўмбоғиш қишлоғилик икки оғайни мардикор бозорига чиқишиб, иш топа олмай туриб қолишди. Эндигина қишлоққа қайтмоқчи бўлиб туришганида, қорамтир духоба дўппи кийган киши машинани шундоққина уларнинг ёнгинасида тўхтатди.

- Ҳей, йигитлар, дарвоза тиккалашни биласизларми?

- Қанақа дарвоза,-қизиқсинди йигитлар.

- Қўрғоннинг дарвозаси, икки қаноти.

- Билсак керак, - бир-бирларига маънодли қарашди йигитлар. - Усталар қиладиган иш бўлса—қўлимиздан келади.

- Мен ҳам шундай фикрдаман. Аммо қўрғоним шаҳарнинг ташқарисида. Ўзим қайтариб олиб келиб қўяман, хизмат ҳақини йўлда келишиб оламиз.

- Маъқул! - розилик беришди йигитлар.

Машина шаҳардан чиққач, дала йўлга бурилди. Эгри-бугри тупроқ йўлдан боришгач, адир ёқасидаги хароба қўрғон ёнида қалқиб тўхтади.

- Келдик, биродарлар! - Ўрнидан қўзғалди ҳайдовчи. - Мана шу қўрғонни туришича сотиб олдим.

- Вой-бўй! Одам Атодан қолганми? - хитоб қилди Маҳмуд.

- Ҳа, рост, - деди қўрғон эгаси. - Бу ерда маъқул бўладиган ҳеч нарса йўқ. Қўрғоннинг орқаси чакалакзор бўлгани учун сотиб олдим.

- Чакалакзорни нима қиласиз? - савол ташлади Исмоил.

- У ерга эчкиларни ҳайдаб юборсанг, ўтлаб юраверади. Юнг берадиган эчки боқмоқчиман. Сизлар дарвозани тиккалаб берсанглар бўлди.

Қўрғоннинг дарвозасини қулаб тушганига ҳам аллақанча вақт бўлган экан. Унинг иккала қаноти ҳам тупроққа қоришиб, чирий бошлабди. Ҳар қалай уни бир амаллаб тиккаласа бўларди. Қўрғон эгаси машина юкхонасидан иккита белкурак ва чўкмор олиб, йигитларга узатгач шундай деди:

- Сизлар ишни бошлайверинглар. Мен шаҳардан тушлик олиб қайтаман.

Қўрғоннинг хўжайини жўнаб кетиши билан оғайнилар ишга киришишди. Шу пайт иккита эчки боласини ҳайдаб, бир қиз келиб қолди. У бошига зардўзи дўппи, эгнига ҳали охори тўкилмаган атлас кўйлак кийиб олганди. Қош-киприклари тим қора, истарали эди.

- Ҳорманглар! - деди қиз қўлидаги хивчини ўйнаб.

- Ҳа, саломат бўлинг, - жавоб қилди Маҳмуд - Сиз мана шу қўрғон эгасининг қизи эмасмисиз?

- Йўқ, мен қўрғон эгасини танимайман. Эчкиларимни шу жойда ҳайдаб боқаман, холос.

- Бир ўзингиз қўрқмайсизми?

- Бир ўзим эмас, - орқасига ўгирилди у. - Арслон!

Бир зумда қаёқдандир худди арслонкелбат кўппак ит пайдо бўлиб, йигитларга ириллади.

- Жим бўл! - Итнинг бўйинбоғидан тутди қиз. - Сизлар нима қилаяпсизлар?

- Дарвозани тиккалаб қўймоқчимиз,-жавоб қилди Исмоил.

- Мен бўлсам хазина топмоқчимисизлар, дебман.

- Бу ерда хазина нима қилади? Ҳаммаёқ вайрона-ку.

- Хазина вайронада бўлади-да.

- Сиз буни қаёқдан биласиз?

- Илонлар бор жойда хазина бўларкан-да. Қўрғоннинг эгаси буни билса керак. Ҳа, майли, мен эчкиларимни боқай.

- Эътибор бердингми, анави қизнинг оёғи биттага ўхшайди.

- Жиннимисан, - хохолаб кулди Маҳмуд. - Битта оёқда қандай юради?

- Ке, гаров ўйнаймиз, - кафтини узатди Исмоил. - Битта ошдан!

Иккаласи қўл олишди. Эчки боқиб юрган қиз эса қўрғоннинг чеккасидан чакалакзор томонга бурилди. Оғайнилар қўлларидаги белкуракни тупроққа санчиб, қизнинг орқасидан кузатиб боришди. Аммо жиндай юрганларидан сўнг қизни йўқотиб қўйишди. Чакалакзор ичидан эса, чирманданинг "Бака-банг, бака-банг, бака-банг", деган овози эшитилди. Улар ҳайрон бўлишиб, олдинга юришди. Қўрғоннинг орқаси чакалакзор эмас, чаманзорга ўхшаб кўринди. Бу ер аслида адирнинг "қўлтиғи" эди. Лолалар чаман бўлиб очилиб турганди. Оғайнилар тўхташиб, чирманда овози қайси томондан келаётганига қулоқ тутишди. Овоз даранинг ҳамма томонидан келаётганга ўхшади. Бояги қиз бир жойга яшириниб олиб, чирманда чалиб, бизни чалғитаяпти, деб ўйлашди. Гоҳ олдинга юришиб, гоҳ тўхташиб, қўрғондан жиндай узоқлашиб қолишди. Эчки боқиб юрган қиз қўрғоннинг ичига ўтдимикан, деган хаёлда орқага қайтишди. Қиз ҳам, унинг ити ҳам, эчкилари ҳам худди бекинмачоқ ўйнаётгандай ғойиб бўлишганди.

- Юр, вақтни беҳудага ўтказмайлик, - таклиф киритди Маҳмуд.

Бироқ, унинг гапи тугаб-тугамай бояги қиз вайроналар ичида юрганини кўриб қолишди. Лип этиб, бир кўринди-ю, яна ғойиб бўлди. Энди чирманда овози иккиси иш бошлаган жойдан эшитилаётганга ўхшади. Қўрғоннинг ўртасидан тиккалаб, ўша томонга юришди. Шу пайт вайроналар ичида беҳисоб эчкилар галасини кўриб қолишди. Демак, қўрғон эгаси бу ерга аллақачон эчкиларни олиб келиб боқишаётган экан, деб ўйлашди. Улар ҳали дарвоза ёнига етмаёқ, бирдан жала қуйиб юборди. Оғайнилар дарҳол ўзларини панага олишди. Шу жойда жаланинг тинишини кутиб, анчагина ўтириб қолишди. Бора-бора жала ҳам тинди, чирманданинг овози ҳам эшитилмай, иккаласининг кўз олдига ҳам лолалар очилиб турган чаманзор келаверди.



- Менимча, қўрғоннинг эгаси қайтмайди, - деди Маҳмуд. - Юр, бу ердан кетайлик. Ажиналар маконига ўхшаяпти.

- Бизни алдаган экан, - адирларга боқди Исмоил. - Лекин чаманзорга тан бердим. Чирмандани ким чалди?

- Қаёқдан билай? Анави қизнинг оёғини битта деб чалғитдинг. Бу ерда тураверсак, қоронғу тушиб қолади, кетдик!

Иккала оғайни ҳоришиб-чарчашиб, алламаҳалда қишлоққа етиб келишди. Аммо ялпоқ адирда кўришган хароба қўрғон, бир оёқли қиз, чаманзор ва у ерда янграган чирманда овози ҳеч хаёлларидан кўтарилмай юраверди. Кўрганларини ҳамқишлоқларига кўп бор сўзлаб беришди. Улар роппа-роса бир йилдан сўнг ўша ясси адирдаги ғаройиботлар сиридан воқиф бўлишди.

Хароба қўрғоннинг сири шундай экан. Бир вақтлар унинг ўрни қабристон бўлган экан. Кейинчалик адирнинг бу "қўлтиғи"га товуқчилик фабрикаси қурилибди. Бироқ товуқларнинг пати тўкилиб, нобуд бўлаверибди. Фабрикада ишлаганлар ҳам чирманда овозини кўп бор эшитишган экан. Тунда изғиган арвоҳлардан ҳам қўрқишиб, умуман бу қўрғонни тарк этишибди.

Оқсоқолларнинг эслашича, бу хароба қўрғоннинг ўрнидаги қабристонга тўйларда чирманда чалиб, ўлан айтиб юрадиган бир шоирсифат аёл дафн қилинган экан. Ҳақиқатан ҳам у битта оёқда қолибди. Сабаби унинг эри хоннинг сарбозларидан бўлиб, хотинига ўлан айтишни, чирманда чалишни таъқиқлаб қўйибди.

Ўланчи аёл учун бу хўрлик экан. У уйдан қочиб кетаётганда, сарбоз йигит унинг орқасидан қилич солиб, битта оёғини узиб ташлабди. Унинг зийрак руҳи ҳали-ҳали шу атрофда гоҳ чирманда чалиб, гоҳ хушчеҳра қиз қиёфасида кезиб юраркан.

Унда йигитларни мардикор бозоридан хароба қўрғонга бошлаб келган ким бўлди, дерсиз? Оқсоқоллар уни, ўша ўланчи аёл эрининг руҳи бўлса керак, деб тахмин қилишди. Унинг руҳи ўшанда хотинига етказган шикасти учун ҳали-ҳали озор чекиб юраркан.

**Комилжон НИШОНОВ**

Туриш-турмушимиз

# ДИЛОЗОРЛИК

Баъзан катталардан нолиб қўямиз: "Нега ҳадеб насиҳат қилаверяркан? Нима, мен ёш боламидим, ўзимнинг ҳам ақлим етади-ку!" қабилида. Йўқ, улар бекорга йўл кўрсатишмас, бекорга насиҳат қилишмас экан. Улар ҳаётнинг турфа босқичларидан ўтганлари учун ҳам фикрлари тиниқлашиб, оққорани ажратиб, ўзлари қоқилиб зада бўлган ҳолатлардан эса эҳтиёткор бўлиб борар эканлар. Шунинг учун одам ёши ўтган сайин насиҳатгўй бўлиб боради, шекилли.

Азизлар, мен сизларга насиҳат қилмоқчи ёки йўл-йўриқ кўрсатмоқчи эмасман. Фақат бир оз мушоҳада юритиб, ўз хатти-ҳаракатларингизни тафтиш қилиб кўришингизни, тўғри хулоса чиқаришингизни истардим, холос.

Кўнгил-инсонга берилган энг нозик неъмат. Унга дарз кетса, одам бир умр руҳан мажруҳ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бир ўйлаб кўринг, дилозорлик сизнинг феъл-атворингизга ҳам ин қуриб олмадимикан, сиз ҳам ўзгалар дилини оғритишни оддий ҳолдек ўтказиб юбормаяпсизмикан баъзи бировларга ўхшаб...

* * *

Бекатда турган эдим, бирдан ёнгинамда шовқин кўтарилди. Машинага юкларини ортаётган бир йигит ёш болага бақира кетди: "Тур йўқол, ҳозир адабингни бериб қўяман. Етади шу!" Бола эса бир унга, бир қўлидаги пулга мўлтираб, йиғламсираб турарди. Йигит эса парво ҳам қилмай, машинанинг эшигини қарсиллатиб ёпиб, рулга ўтирди.

Бойвачча йигит бозорлигини аравада олиб чиққан бола сўраган пулнинг ярмини бериб кетган эди. Болакайнинг кўзларидаги ҳасрат юрагимни ёқиб юборди...

* * *

Пулдор жиян ўз амакисини битмаган ҳовлига кўчириб юборди. Унинг мақсади кичик ўғлига атаб шу ерга, ўз ёнига дангиллама ҳовли-жой қилиш эди. Жўжабирдай жон бўлган амаки ҳовлини ҳовли қилгунча анча овора бўлди, соғлиғини йўқотганди.

Йиллар ўтиб, дилозорлик ўз мевасини берди, кичик ўғилнинг оиласи пароканда бўлди...

* * *

Шароит тақозоси билан аёл олис йўлга чиқадиган бўлди. Болаларни қийнаб юрмай деб, олдиндан ҳайдовчи билан келишди-да, йўл ҳақининг бир қисмини бериб қўйди. Аёл шартлашилган пайтда болаларини етаклаб келди. Ҳайдовчи эса мўмайроқ пул берган йўловчиларни олиб жуфтакни ростлаган эди...

* * *

Йигит яхши қўшиқ айтарди. Ҳамқишлоқлари у билан жуда фахрланишар, "бизники", дея ғурурланишарди. Байрам баҳона ўз қўшиқчилари билан дийдорлашмоқ умидида катта тадбир уюштиришди ва уни таклиф қилишди. Қишлоқдаги ҳофиз ўқиган мактаб майдонига жой ҳозирланди. Тумонат одам, ҳамма уни кутарди. Бир, икки, уч соат... Қўшиқчи йигит эса қай бир тўйда йиғилаётган мўмай пуллардан сархуш эди...

* * *

Улар жуда қалин дугона эдилар. Оралариадан қил ўтмасди. Бири севимли касбини ташлаб, ўзини савдога урди ва тез орада оёққа туриб олди. Энди улар деярли кўришишмас, соатлаб дардлашишмас эди.

Орқаваротдан дугонасининг қиз узатаётганини эшитган иккинчи аёл тўй тадоригини кўра бошлади. Қарз-қавола қилиб совға тайёрлади.

Янги бой бўлган дугона эса "эски" қадрдонини тўйига таклиф қилишни эп кўрмади...

* * *

Йигит мукофот пули олди. Кутилмаган даромаддан хурсанд бўлиб, аёлига ва болаларига анчагина совға-салом харид қилди. Болаларнинг қувонганини айтмайсизми?! Бири қўйиб, бири дадажонисига осилар, қийқириб кулишар, нарсаларини бир-бирига кўз-кўзлашарди.

Эшик ортида эса... марҳум акасининг ёлғиз ёдгори мунғайибгина уларни кузатиб турарди...

* * *

Ўғилнинг омади келдими, машҳур бўлиб кетди. Ёзганлари қўлма-қўл ўқилар, оғиздан-оғизга ўтиб мақталар, ҳамма уни олқишлар эди. Бир куни ёзувчи ўғлининг каттагина сурати ва ҳикояси босилган журнал отанинг қўлига тушиб қолди. Фахр билан журнални ўқий бошлаган ота мулзам бўлиб қолди.

Ўғил отанинг кечмишларини ёзиб машҳур бўлган эди...

**Маърифат ҚОСИМОВА,**
**филология фанлари номзоди.**




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



Nozima YODGORXO'JAYEVA
*Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, 160-maktabning 5 «B» sinf o'quvchisi.*



*Men maktabda Kumushman*
*A`lo baho olaman*
*Xatlarim ham chiroyli*
*Katta olim bo'laman*

*Do'stlarim bilan quvnoq*
*O'ynaymiz dimog'lar chog'*
*Kitoblarni o'qiyman*
*Quvnoq she`rlar to'qiyman*

**Kumush RAZZOQOVA.**
**Navoiy viloyati, Qiziltepa tumanidagi 1-maktabning 3 «A» sinf o'quvchisi.**



*Eldor RAZZOQOV*
*Navoiy viloyati, Qiziltepa tumanidagi 1-maktabning 7 «A» sinf o'quvchisi.*




Otabek MAXSUTOV
*Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, 160-maktabning 5 «A» sinf o'quvchisi.*



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### ТЕРИ НЕГА КЕРАК?

Бутун танамиз юпқа қобиқ, яъни тери билан қопланган. Тери танани жароҳатлардан, ҳароратнинг иссиқ ёки совуқлигидан, кимёвий моддаларнинг зарарли таъсиридан, юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

Бундан ташқари терида асаб толачалари мавжуд. Улар ёрдамида биз иссиқ ёки совуқни, оғриқни ҳис қиламиз, буюмлар сиртининг силлиқ ёки ғадир-будурлигини билиб оламиз ва ҳоказо. Шунингдек, терида тер безлари жойлашган бўлиб, улар орқали танадан турли хилтлар ва ортиқча намлик тер шаклида чиқариб юборилади.

### ҚУЁШ ВА ВИТАМИНЛАР

Қуёш сайёрамиздаги барча тириклик учун ҳаёт ва энергия манбаи бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари қуёш нури одамга қувонч ва яхши кайфият бағишлайди.

Иссиқлик ва ёруғликдан ташкари қуёш нури таркибида ультрабинафша нурлар ҳам мавжуд бўлади. Бу нурлар оз миқдорда инсон танаси учун ниҳоятда фойдали. Чунки айнан ультрабинафша



нур таъсирида теримиз Д витамини ишлаб чиқара бошлайди. Аммо узоқ вақт бирор бир ҳимоя воситасисиз қуёш нурида туриш, масалан, кўп вақт қуёшда тобланиш оқибатида ультрабинафша нурлари терига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада тери куяди, қуруқшаб қолади ва тез қарийди.

### САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Аксарият одамлар соғлом бўлиш деганда касал бўлмасликни тушунишади. Бу қараш умуман олганда тўғри, холос. Аслида соғлиқ фақатгина касал бўлмасликнинг ўзидангина иборат эмас. У анча кенг қамровли тушунча.

Соғлиқ деганда нафақат инсон ўзини яхши сезиши, балки унинг маънавий ва ижтимоий таъминланганлиги ҳам тушунилади. Бундан кўринадики, соғлом одамнинг кайфияти яхши бўлади, у бошқа одамлар билан осон ва хуш кайфиятда мулоқотга киришади, фаол ва яхши ишлайди ҳамда тез чарчаб қолмайди.

Соғлом бўлиш учун шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, овқатланиш ва дам олишни тўғри ташкил этиш, тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалардан сақланиш керак.

### АТРОФ-МУҲИТ ИФЛОСЛАНИШИ

Атроф-муҳитнинг, яъни атмосферанинг, сувнинг, тупроқнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. ҳар йили Ер куррасида атмосферага корхоналар, электр станциялари, транспорт воситалари томонидан 200 миллион тоннадан ортиқ заҳарли газлар чиқариб юборилади. Бу газлар одамларда ўпка касалликларини келтириб чиқаради, Ерни қуёшдан келаётган зарарли нурлардан ҳимоя қилувчи озон қатламини емиради, иссиқхона эффектини(ҳароратнинг сунъий қизиб кетиши) келтириб чиқаради, кислотали ёмғирлар ёғиши натижасида ўсимликлар қуриб қолади.

Шу билан бирга сувга ҳам йилига катта миқдорда ахлатлар, саноат чиқиндилари, қишлоқ хўжалик ўғитлари ташланиши оқибатида ичишга ва суғоришга яроқли сув заҳиралари кескин камайиб бормокда. Сувда яшовчи жониворлар ва ўсимликлар турлари қирилиб бораётир.

Шу боис атроф-муҳитни авайлаб-асраш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиши шарт.

### КАШАНДАЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИКНИНГ ЗАРАРИ

Тамаки таркибида никотин ва смола моддалари мавжуд бўлади. Никотин танага турлича зарарли таъсир кўрсатади. Хусусан, юрак уриши ва нафас олиш тезлашади, иштаҳа йўқолади, қон айланиши ёмонлашади. Смола эса нафас йўлларининг шилиқ пардасини ифлослантиради, ўпка ва қонга тушиб, уларда турли касаллик аломатларини келтириб чиқаради. Улар орасида энг даҳшатлиси ҳалигача давоси топилмаган саратон касаллигидир.

Инсон спиртли ичимликлар истеъмол қилганида спирт ошқозон орқали қонга сўрилиб, бутун тана бўйлаб тарқалади. Агар мунтазам спиртли ичимлик ичилса, жигар унинг ортиқча миқдорини танадан чиқариб юборишга улгурмай қолади ва оқибатда у емирилади.

Бундан ташқари, доимий истеъмол қилиш оқибатида одам тамаки ва спиртли ичимликларга ўрганиб қолиши ҳам мумкин.

### УЙҚУ ҲАҚИДА СЎЗ

Катталар, ўсмирлар ва болалар ўзларини яхши ҳис этишларининг асосий шартларидан бири доимий уйқудир. Кун давомида тўпланган маълумот ва билимларни эслаб қолиш, қабул қилиш, шунингдек, марказий асаб ти-



зимининг ривожланиши ва ўсиши учун уйқу жуда зарурдир.

Инсон албатта вақти-вақти билан танасига дам бериши, уйқуни канда қилмаслиги лозим. Уйқусизлик ёки кам ухлаш хотиранинг сусайишига, тез чарчаб қолишга, асабийликка, жиззакиликка сабаб бўлади.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

## XIV. САБР ҚИЛСАНГ ЕТАРСАН МУРОДГА

**(Боши ўтган сонда)**

Шу куни Мастура чевар (уни қўшнилари шундай аташар эди) кечки пайт ҳам ёзилиб келай, ҳам олган буюртма кўйлакни тикиб бўлдим, эгасига обориб берай, деб қўшнисиникига чиқиб кетаётган эди, кўчада, нариги муюлишда истиқомат қилувчи синфдоши - Жаннатхонни учратиб қолди. "Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор", деганларидек, иккала хотин эллик оғиздан гапга тушиб кетишди. Гап Мастураойнинг дилидаги мавзуга кўчганида Жаннатхон бир танишининг унга қилган ҳасратини сўзлаб кетди:

- Биласанми, ўртоқжон. Ёши мендан анча кичик Раъно деган бир дугонам эри - Содиқжон билан беш йил бирга яшаб, фарзанд кўришмагач, яширинча, "туғмаяпти" деган гапга қолмай туриб иссиғида бошқа эркакдан бола орттириб олишни мўлжал қилибди. Бир йигитнинг кетига тушиб, унинг кимлигини, қанақа одам эканини сўраб-суриштириб олибди-да, бу ёғини таваккал қилиб, у билан яқиндан танишиб олибди ва ниҳоят у ўша йигит билан тиллашиб, диллашиб учрашиб юрибди. Аммо бир ой ўтиб, Раъно ҳомиладор бўлибди. У муродимга етдим дебди-ю, у йигит билан бошқа учрашмай қўйибди.

Ҳомиласи тўрт ойлик бўлгач, ҳовлиққанча аёллар консултациясига бориб, унинг ўғил-қизлигини билиб беришларини сўрабди. Ҳомиласи ўғил экан. Эри Содиқжон хотинининг макридан бехабар, "Ниҳоят ўғилли бўладиган бўлдим", деб жони ичига сиғмай, суюниб кетибди. Бироқ кунлар ўтгани сайин дугонам қорнидаги ҳомиласи ўзи аҳду паймон қилиб никоҳланган эридан эмаслигини ўйлаб, сиқила бошлабди. Кечалари ухламай чиқадиган бўлиб қолибди. Бир кун келибдики, "мен энди эримга ким деган хотин бўлдим", деган ўй бутун калласини эгаллаб олибди. Ўзини ўзи ёмон кўра бошлабди. Эри уни эркалаб, ардоқлаб "Қани ўғилчамиз қимирлаяптими", деб қорнини ҳар пайпаслаганда унинг ичи узилиб тушармиш. Эрига дам ачинар эмиш, дам раҳми келармиш, наздида не-не мақсадларда бир ёстиққа бош қўйган, ўзи эркаланиб, севиб юрган қонуний эржонининг бу аҳволини кўриб бешбаттар ғам-андуҳга ботибди. Ўша бегона номаҳрам эркак билан бирга бўлганини, шу билан у умр йўлдошига кечириб бўлмас хиёнат қилганини кўз олдига келтириб, кўп пушаймон қилибди. Хўп изтироб чекибди. Қорнидаги ҳомиласи ўсган сайин уни олдинига ёмон кўра бошлаган экан, у беш ойлик бўлганда тамоман ёмон кўриб қолибди. Эрининг юзига қарай олмасмиш. У билан бирга ўтириб илгаригидай чақчақлаша олмасмиш. Эри унинг кўзларига қараганда у кўзларини олиб қочар эмиш. Сочларини қошига тушуриб кўзларини тўсиб олармиш. Эри буни сезиб қолибди-да, сабабини сўрай бошлабди. Раъно дастлаб ҳеч нима демабди. Аммо эри уни қистовга олиб, хотинидаги бу ўзгаришларнинг сабабини сўрайвергач, Раъно нима бўлса бўлгани, пешонамдан кўрдим, дея бўлиб ўтган воқеани Содиқжонга айтиб берибди. Содиқжон бўлса фарзандсизликнинг сабабчиси ўзи экан. Ёстиқдошини бу томондан тушунибди-ю, унинг бевафолигини кечира олмабди... Мен сенга айтсам Мастураой, ростданам Раънонинг қилган иши оғир гуноҳ, тўғрими?! У буни тушунибди, изтиробда қолибди. Эржонини ҳам азобу уқубатга қўйибди. Ахири ўзи пушаймон еб, тинчгина ажрашишга розилик берибди. Эри ақли расо одам экан, ҳар томонлама мулоҳаза қилиб кўриб ўзини ҳам, хотинини ҳам шармандаликдан асраб қолмоқчи бўлибди. Шу мақсадда у ажрашишларининг сабабчиси қилиб мутлақо бошқа баҳонани ўйлаб чиқарибди.

Бир куни Раънонинг отаси уларни яраштириб қўйиш ниятида куёвникига маҳалладан одам киритган экан, Содиқжон: "Биз - эр-хотин чиқиша олмадик. Орамизга илитиб бўлмас совуқчилик тушди. Оқибатда бир-биримизни ёқтирмай қўйдик. Бизнинг ажрашишимизнинг боиси шу. Қайта ярашишнинг иложи йўқ", деб жавоб қилибди.

- Шу билан уларнинг турмуши бузилиб кетибдими? Қорнидаги боласининг тақдири не кечди? - сўраб қолди Мастураой ҳайратланиб кетиб. Жаннатхон:

- Ҳа, улар ажрашиб кетишибди. Кўп ўтмай Раъно қайғуни кўтара олмай ётиб қолибди. Қони камайиб кетиб, анемияси зўрайгач, дўхтирлар касалхонага ётмасангиз бўлмайди, дейишибди. У ерда уни батафсил текшириб, кузатувдан ўтказиб, консилиум қилишибди. Шунда шифокорлар бир оғиздан ҳомиладан воз кечишни, акс ҳолда ўзи ҳам, ҳомиласи ҳам нобуд бўлишини айтишибди...




- Кейин нима бўлибди, кейин?..

- Кейин Раънонинг ота-онаси ҳам, ўзи ҳам дўхтирларнинг бу хулосасига рози бўлишибди. Устиға устак ҳомиласи бу пайтга келиб ўсищдан тўхтаб қолган экан...

- Шундан кейин нима бўлибди?..

- Кейин ҳомилани сунъий тушириб, Раънони даволашга тушишибди. Орадан бир ҳафта ўтгач, ўртоғим ҳомиласидан қутулганиданми, токсики барҳам топганиданми, тез ўзига келиб, соғлиғи тикланибди.

Орадан ярим йил ўтгач, кўчада собиқ эри Содиқжон билан тасодифан учрашиб қолишибди. Унинг айтишича, эри бошига тушган бу ташвишдан бўлса керак, озиб-тўзиб, аянчли бир аҳволга тушиб қолганмиш. Раънонинг унга раҳми келибди, ачинибди. Ҳаммасига ўзи айбдор бўлганидан эзилибди. Ўзи ҳам озмунча уқубат тортмаганми, кўнглига "қани энди ҳозир у юр деса-ю, бошлашиб эримнинг уйига кетсам", деган хаёл келибди.

- Нима, собиқ эри ҳеч нарса демабдими?

- Дебди... - "Раъно, орқаваротдан ҳаммасини эшитиб юрдим. Охири ҳомиланг нима бўлиб узилганини ҳам биламан. Мен сени роса кўргим келди. Бирга яшаган бахтли кунларимизни, менга парвона бўлишларингни, тез-тез кўз ўнгимдан ўтказдим. Соғиндим. Қани энди яна ёнимда бўлсайди, дедим. Ҳанузгача кечалари ухламай чиқаман. "Нима қилиб қўйдинг, Раъно?!" - дея инграган онларим бўлади. Сени тушларимда кўраман. Сен билан узоқ-узоқ суҳбатлашаман", деб кўзларида ёш милтирабди.

- Раъно-чи? Раъно ҳеч нарса демабдими?

- Дебди. "Тўғри, ҳамма гуноҳ ўзимда. Ёшлигимга бориб бир нопок аёлнинг сўзига кирдим. Унинг: "Ҳеч кимга билдирмай, эрингга сездирмай, биттасидан туғиб олсанг, бирга яшаб кетасан", - деган гапига кириб қолдим. Аҳмоқлик қилдим. Мана энди сизни ҳам, ўзимни ҳам изтиробга қўйиб, ширин турмушимизни барбод қилдим... Қани энди мени кечира олсангиз эди",-дебди ва бу ҳам кўз ёш қилибди.

- Эри нима дебди?

- Эри ҳали айтдим-ку, ақлли одам экан, деб. Бу гапларни эшитиб туриб, чуқур пинакка кетибди ва дафъатан: "Уйга кетамизми, Раъно?!" - деб юборибди.

- Раъно-чи, у нима депти?

- Раъно... Раъно эрининг бўйнига қўлларини осиб уни қучоқлаб олибди. Иккаласи шу ҳолатда узоқ юм-юм йиғлашиб туришибди... Буларга кўзлари тушган ўтган-кетганлар ҳайрон бўлармиш.

Ким билади, ким билмайди, келин-куёвлар ажрашаётганда вужудларни исканжасига олган ғазаб кўзни қуритади, ярашаётганда қалбларни юмшатиб юборган эзгулик кўзни ёшлайди... Раънохон билан Содиқжоннинг ҳозиргина юрак-бағрида уйғонган илгариги эзгулик шу топда уларни аёвсиз йиғлатди...

Ортиқча сўзга ўрин қолмабди. Машинага ўтириб тўппа-тўғри бундан 7 йил муқаддам қўшилиб саодатли тунларни, бахтиёр кунларни бирга баҳам кўрган уйларига кетишибди...

Шундай, тасодифан учрашувлар баъзан инсонни гуноҳ ишларга бошласа, кўп ҳолларда хайрли, савоб юмушларга бошлайди. Бизнинг ҳикоямизда Мастураой Ўткирбек билан тасодифан учрашиб қолиб иккиси ҳам гуноҳ ниятларига ботай деганди. Раъно билан Содиқжоннинг тасодифий учрашуви иккисини нафақат хайрли, савоб ишга қўл уришга, балки бутун бошли муқаддас аталмиш оила тикланишига сабаб бўлди...

Мастураой Раънонинг бу саргузаштини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Кечагина хаёлига келиб қолган "бегонадан ўғил орттириб олиш" фикри ёдига тушиб, этлари жунжикиб кетди. Нафақат юзлари, балки бутун бадани оқариб, уни қалтироқ босди. У тезда Жаннатхон билан хайрлашиб уйига кирди ва шу дам эрининг куёвлигида кийгани қозиқдаги дўпписига кўзи тушди. Тўхтади... Дўппига узоқ тикилди. Ҳар хил хаёллар қуршовида виждони қийналди. Ўзидан ўзи уялиб кетди. Бегона эркакдан ўғил орттириб олишнинг ўзи бўлмаслигини ҳис қилди. "У билан бир марта бўламан-у, ўғилли бўлиб оламан", деган хаёли нафақат хом, балки ўнглаб бўлмас даҳшатли хато эканини англади. Сўнг не-не орзулар билан бир ёстиққа бошини, бир тўшакка танасини қўйган танмаҳрамининг дўпписни қўлига олди. Уни силади, ўпди ва авайлабгина бошига қўндириб қўйди...

Энди Салоҳга келсак, хотинни у истаган вақтда уни ўзига яқинлаштиравермагач, кўча-кўйда, у ер-бу ерда боши очиқ жувонларга кўз тикадиган бўлиб қолди. Шуни айтадилар-да, баъзан хотин кишининг бузилиб кетишига эр, эрнинг бошқа аёлларга кетиб қолишига хотин сабабчи бўлади, деб. Мастураой ҳам эрини ўзидан нари итараверса, у ҳам эркаклигини қилиб, бошқа тўшакдош топиш ҳаракатига тушиб қолишини тушунмаган эди. Бир куни эри, ҳатто: "Агар сен мени "эр" қилмасанг, бошқа аёлга кетиб қоламан. Сен бундан бехабар юраверасан. Хабар топганингда эса ўзингдан кўр", - деди. Мастураой шунда ҳам эрини ўзига тегдирмади. Илгаригидек, узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтирмай қўйди. Шу бўлиб Салоҳ уйдан эрта кетиб, кеч келадиган ҳунар чиқарди. Қизлари тарбияси билан, уларнинг ўқишлари, дарслари билан фақат онасининг ўзи шуғулланадиган бўлиб қолди. Кенжа қизи ҳали гўдак экан, катталари ўзлари яхши кўрадиган отаси билан онаси ўртасига тушган совуқчиликни сезишди. Баъзан ўз кўзлари билан бунга гувоҳ бўлишди. Бироқ нима қилсинларки, бундай ҳолатларда фарзандлар ота-она жанжалларига аралаша олмайдилар. Айниқса, бундай жанжаллар ота-оналарининг кўнгил муносабатларидан келиб чиққан бўлса... Ўзларидан ўтган аламни ўзлари ютиб юрадилар. Мана шундай пайтларда уларнинг мурғак қалблари қайғу-аламни илк бора ўз ота-оналарининг можароларидан тотийди. Оқибатда, ҳар қайсилари ўз юмушларини, топширилган вазифаларини индамай бажариб, мотамсаро бўлиб қоладилар... Шуларни ҳам тушунмайди, шуларга ҳам раҳм-шафқат қилмайди бу айрим кажбахт эр-хотинлар!

* * *

...Мастураой Ўткирбек билан учрашишга ваъдалашган куннинг эртасига кечқурун ошга ёғ қиздираётган эди, кутилмаганда унга ёғ ҳиди ёқмай қолди. Бир амаллаб қозонга пиёз-гўштларни солди, жиз-биз қилди. Кўнгли бешбаттар айнади. Билдики, у яна эридан ҳомиладор бўлди. "Оббо, - деди у ўзига-ўзи, - шу етмай турувди. Бир ойда бир марта ётиб турсак ҳам ҳомиладор бўлиб қолибман... Эр-хотинлар бор— Раънога ўхшаб 5-10 йиллаб бирга яшаб келсалар ҳам бола йиғисига зорлар... Мен эса қиз деб нолияпман", - деди ичи куйиб. Шу дам ён-верида қувлашиб юрган қизларига кўзи тушиб қолди. "Вой мен ўлай, ношукр бўлмай. Шундоқ чиройли, ақлли қизларим бўлса-ю, норози бўлганим нимаси... Раънога шулардан Худоим ўнтасини берсин, менга ўхшаб нола қилармикан?! Аллоҳ шаккоклигим учун ўзинг кечир. Майли, қанча қиз бўлса ҳам туғаман. Парвардигорим уларнинг ризқ-насибасини ўзи беради. Ўзи ардоқлайди. Ўзи бахт ато этади..." - дея кўзига ёш олди. Сал вақт ўтган эди, унинг кўнгли кўтарилгандай бўлди. Руҳи тетиклашди. Пировардида, ўзига ўзи тасалли беришга ўзида куч-қувват топди...

**(Давоми бор).**

**Азимжон ҚОСИМОВ**

Ўз тенгимга эмас, қари бир чолга тегаман

Дил изҳори

# БАХТГА ЗОР БИР АЁЛМАН...

Қўлимга ручкани олдиму ўйланиб қолдим. Нимадан бошлай? Табиатан тортинчоқ бўлганим учун суҳбатдошим билан очиқчасига дардлаша олмайман ҳам. Лекин ўйлаб қарасам дардлашадиган бирорта яқин дугонам ҳам йўқ экан. Турмуш ташвишлари билан бўлиб дўст ҳам, дугона ҳам орттира олмаган эканман... Юрагимда қатланиб кетган гапларимни кимгадир гапиргим, кимдандир маслаҳат сўрагим келади.

Мен ёлғиз, жуда ҳам ёлғизман. Тўғри, бахтсиз эмасман. Ҳаётимнинг мазмуни фарзандларим—ўғлим ва қизим бор. Аммо, улар ҳали ёш-да, ўз хаёллари, ўз оламлари бор. Улар учун мен меҳрибон онаман, холос. Тўғри, қизим яқинда 16 га киради. У ҳар доим қалбидаги сирларини, дардларини менга айтади. Маслаҳат сўрайди. Бахтимга қизим жуда ақлли, мактабда жуда фаол ўқувчилардан. Ҳокимиятда "Камолот" ёшлар ҳаракати ташкилотининг етакчиларидан. Аммо, бу ҳам ўз йўлига экан. Ҳаётда инсонга яхши ва ёмон кунларида елкадош бўла оладиган бир жуфти жуда зарур экан.

Ёшлигимда жуда шўх, қувноқ қиз бўлганман. Оиламиз ўзига тўқ, тўкин яшардик. Оиламизда етти нафар фарзанд бўлсада, отам мени ўзгача меҳр билан суюб, эркалардилар. Мактабни битирганимдан сўнг, институтга ўқишга кирдим. Институтдаги ўқитувчилар ҳам отамни яхши танишарди. Шу боисми мен унчалик берилиб ўқимасдим. Шу зайлда тўртинчи курсга ҳам ўтдим. Кунларнинг бирида юрагимга муҳаббат кириб келди.

Мен бошқа вилоятдан келган, бошқа институтда ўқийдиган бир йигитни севиб қолдим. У йигит билан институтдаги "Карнавал" кечасида танишиб қолгандим. Тўғриси, ўша пайтда у йигитни чиндан ҳам севиб қолган эдимми, ёки бу шунчаки туйғу эдими, билмайман. Хуллас, аввал унга жиддий эътибор бермадим. Лекин унинг менга тўхтовсиз севги изҳор қилиши, совға-саломлари мени бефарқ қолдирмади. Унинг исми Фаррух эди. У ҳатто отамнинг олдига бориб, танишиб ҳам олибди. Институтни битириш арафасида турмуш қурдик. Фаррух менга: "Ҳеч кимим йўқ, етимман",- дегани учун отам тўйимизни бекаму кўст қилиб, ўтказиб бердилар. Тўйдан сўнг отам бизга уй олиб бермоқчи эдилар.

Лекин юрак хуружидан кутилмаганда вафот этдилар. Мен келинликнинг энг ширин дамларини қувонч билан эмас, балки алам, ҳасрат ва аччиқ изтироб билан ўтказдим. Қисқаси, бу фожиа олдида ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳалигача ўша пайтдаги аҳволим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Отамни жуда-жуда яхши кўрардим. Жудоликка кўникишим қийин кечди. Ўша оғир дамларда юрагим остидаги миттигина жон, ҳомиламни сезгандан кейингина ўзимни қўлга олдим. Ҳаётга қизиқиш пайдо бўлди.

Отамнинг ўлимидан сўнг соғлиғим ёмонлашди. Ўқишдан ҳам қолиб кетдим. Ҳомиладорлигим ҳам жуда оғир кечди. Шунинг оқибатида институтни тугата олмай қолиб кетдим. Бу орада қизим туғилди. Мен оналик бахтидан жуда қувондим. Бор меҳримни қизимга бердим. Эрим эса... У отамнинг ўлимидан сўнг негадир ўзгариб қолди. Маъюс, хаёлчан, ичимдан топ, бўлиб қолди. Эрим иккимиз бизнинг уйимизда яшай бошладик. Қизим бир ёшдан ошгач, мен яна ҳомиладорлигимни сезиб қолдим. Бу ҳақда эримга айтгандим жаҳли чиқиб кетди. Ҳомиламни олдириб ташлашимни талаб қила бошлади.

Мен ҳайрон эдим, унинг бу қилиғига сира тушуна олмасдим. Эрим болани ёқтирмайди, дея олмасдим. Чунки у қизимизни қўйгани жой топа олмас, эркалаб сира тўймасди. Ҳатто кечалари ўзи қараб чиқарди. Кутилмаганда у ғойиб бўлиб қолди. Нима деб ўйлашни ҳам билмасдим. У менга: "Ҳеч кимим йўқ!", - деганди-ю, лекин яшаш жойини айтганди. Ҳатто, паспорти ҳам уйда қолиб кетганди. Хуллас, қўлимда бола, қорнимда бола, қолиб кетдим. Охири бир дугонам билан боламни кўтариб эримни излаб, қишлоғига кириб бордик.

Сўраб-суриштириб, уйини ҳам топдик. Тортинибгина ҳовлисига ҳам кириб бордик. Бизни ёши ўтганроқ бир аёл кутиб олди. У кимлигимизни ҳам сўраб ўтирмай уйга таклиф қилди. Биз кирган хона катта, чўғдек қилиб безатилган янги келинчакнинг уйи эди. Уйнинг деворларига гир айлантириб келиннинг кийимлари илиб қўйилганди. Шу пайт деворда осилиб турган расмни кўриб донг қотиб қолдим. Расмдан бахтиёр келин-куёв кулиб қараб туришар, лекин куёв—менинг эрим, қизимнинг отаси эди...

Ўша пайтдаги ҳолатимни тушунтириб бера олмайман. Карахт бўлиб қолгандим. Оёғимнинг остидаги ер мени тубликка тортаётгандек туюларди. Аҳволимни сезди шекилли, дугонам мени бир туртиб қўйди-да, мезбон билан сўраша бошлади. Уйга бирин-кетин чойнак-пиёла, нон кўтарган қизлар ва башанг кийиниб олган, расмдаги келинчак кириб келди. Келинчак чой қуйиб узата бошлади. Аёл бизни дастурхонга манзират қила-қила, нозу-неъматлардан олиб ўтиришга қистарди.

Аёлнинг гапига қараганда у эримнинг онаси экан. Бечора ёлғизгина ўғли яқинда институтни битириб келганини ва ўтган ҳафта уни уйлантирганини хурсанд бўлиб гапирарди. Бизни эса ўғлининг Тошкентдаги танишларидан бўлса керак, деб ўйлаб, ўтқазгани жой топа олмасди. Бир гапириб ўн куларди. У ҳатто менинг аҳволимга аҳамият ҳам бермасди. Ўғлига қуйиб қўйгандек ўхшайдиган қизалоғимнинг девордаги расмини кўрсатиб. "Ана дадда, дадда",-дейишига ҳам эътибор бермасди. Мен ортиқ чидай олмадим. Шаҳд билан ўрнимдан турдиму, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан, тез-тез юриб чиқиб кетдим. Кетарканман, ҳеч нарсани кўрмасдим, сезмасдим... Йиғлаганимча тезроқ бу ердан узоқроққа кетишни истардим. Ортимдан етиб келган дугонам индамасдан мени бағрига босиб, вокзалга етаклади.



Кейин тушундимки, эрим мени бой-бадавлат бўлган отам учун танлаган, мақсади Тошкентда ҳам уй-жой қилиш, қишлоғида ҳам яна бир оила қуриб, иккита хотин билан яшаш экан. Дадамнинг ўлимидан сўнг ҳеч нарсага эриша олмаслигига кўзи етиб, мендан воз кечганлигига ишондим. Эрим эса ўз қишлоғидан ҳам бир бойвачча кишининг қизини топиб уйланган экан. Мен ўша куни чиқиб кетганимдан кейин дугонам эримнинг онасига бор ҳақиқатни айтиб бериб, кейин орқамдан чопибди. Оҳ, у пайтлар аҳволим нақадар оғирлигини билсангиз эди... Энди ўлиб қолсам керак,-деб ўйлагандим. Йўқ, мен ўлмадим. Лекин қорнимдаги қизимни оғир операция қилиб олишгач, у дунёдан кўз юмди.

Мен жуда бахтсиз эдим. Лекин яна бир қизим бор, шунинг учун яшашим кераклигини тушунгач, қилмаган ишим қолмади. Чунки отамдан кейин аҳволимиз унча яхши эмасди. Иккита акам эса бир-бири билан унча аҳил эмас эдилар. Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмагач, қизимни онамга бериб бозорга чиқдим. Тошкентдан узоқда яшаганим учун бир ҳафтада бир марта қизимни кўриб келар, топганимни онамга ташлаб яна ортимга қайтардим. Мен энди олдинги шўх, эрка, қувноқ қиздан одамови, индамас, жиддий бир аёлга айлангандим. Лекин эркак зотига умуман ишонмас, ҳатто, қайрилиб ҳам боқмасдим. Кейинчалик мени сўраб, ажрашган, хотини ўлган эркаклардан совчилар кела бошлади.

Мен эса ёлғиз ўтишга аҳд қилгандим. Лекин ҳаёт биз ўйлагандек бўлмас экан. Қизим олти ёшга тўлганида, онам унга қарашдан воз кечдилар. Акаларим қизим иккимизни сиғдирмай қўйишди. Онам эса: "Ё эрга тегасан, ё уйдан чиқиб кетасан!", - дея шарт қўйди. Нима қилай, борадиган бошқа жойим йўқ бўлса... Агар одам ҳар куни қўпол сўзлар эшитаверса, безиб кетаркан. Менинг ҳам негадир қайсарлигим тутди. Уйдагиларга: "Майли, сизлар айтганча бўла қолсин! Лекин мен ўз тенгимга эмас, қари бир чолга тегаман! Фақат ўша чолнинг уйи бўлсагина тегаман, ўлганидан кейин уй-жойи менга қолса бўлди! " - дедим.

Ҳар бир иш ҳам қилинган ниятга яраша бўларкан. Кўп ўтмай 60 дан ошган бир кишига уйдагиларнинг қаршилигига ҳам қарамасдан турмушга чиқиб кетдим. Чунки ўша пайтда ҳам эркаклардан нафратланардим. Лекин менга яшаш учун бошпана керак эди. Очиғини айтсам эрим қари бўлса-да, шу турмушимдан ҳаловат топдим. Эримнинг ҳеч кими йўқ, болалар уйида катта бўлган экан. Олдинги турмушидан бўлган иккита қизлари тиниб-тинчиб кетишган. Бизникига деярли келишмас эди. Бу киши кўпчиликни ёқтирмасди. У мени бозор-ўчарга чиқармас, керак нарсаларни ўзи олиб келиб берарди.

Шунингдек, у одамлар билан гаплашишимни ҳам унча истамасди. Мен кун бўйи ҳовлимиздаги мол-ҳолга қарар, пишир-куйдир билан овора эдим. Орадан икки йил ўтиб кетди. Кутилмаганда ҳомиладорлигим маълум бўлди. Тўғрисини айтсам, мен ҳам, эрим ҳам жуда бахтиёр эдик. Ўғлим туғилганда-ку, эримнинг ёш боладек қувонишини, кўзларидан дув-дув севинч ёшлари тўкишини кўриб ҳайрон қолдим. "Мени тепкилаб кўмадиган меросхўрим туғилди", - дея такрорларди. Бу кекса киши билан яшаган тўққиз йиллик умримга ачинмайман. Лекин орамиздаги ёш катталиги учунми у кўпинча мени тушунишни истамасди. Менга ҳеч қачон яхши, ширин сўзлар айтиб, эркаламасди.

Менинг ҳам аёллигимни, баъзида мен ҳам меҳрга, эътиборга зорлигимни у хаёлига ҳам келтирмасди. Бироқ, менга ҳеч қачон ёмон гап айтмас, кўнглимни оғритмас эди. Эрим ўғлим олти ёшга кирганида, етмиш ёшида оламдан ўтди. Оллоҳ, ўз раҳматига олган бўлсин! Мана, яна ёлғизман. Лекин мен ҳам баъзан аёллигимни эслаб қоламан. Болаларим ҳеч нарсадан қийналишмасин, деб тиним билмайман. Худога шукр, бошимда бошпанам, бағримда болаларим бор, бировдан кам эмасмиз. Ҳозир қизим 16 га,ўғлим эса 7 ёшга тўлди, уларнинг келажаги яхши бўлишига ишонаман. Лекин ўзимнинг ўтаётган умримга ачинаман.

Ахир бахтли бўлишга ҳаққим бор эди-ку, шундай эмасми? Ёки қолган умримни фарзандларимга бағишлайми? Эртага бир кун келиб улар уй-жойли, бола-чақали бўлиб кетишганида бир ўзим қолиб кетсам-чи? Нима қилсам экан? Менга маслаҳат беринглар... **Ҳозир ёшим 39 да. Мен билан танишмоқчи бўлганлар учун манзилим таҳририятда.**

**НОЗИМА**

## ИБРАТ КУЧИ

Бешинчи синф ўқувчиси Шодивой уйга хурсанд бўлиб қайтди. Қўлидаги елимхалтадан бир банка бўёқ чиқариб, ойисига узатди:

- Ушланг, ойи!
- Нима бу? - таажжубланди онаси.
- Краска,- деди Шодивой кўзлари яшнаб.
- Қаердан олдинг?
- Мактабдан.
- Тўғрисини айт ўғлим?
- Мактабдан деяпман-ку, - тўнғиллади Шодивой. - Усталар ремонт қилишвотганди. Тушликка чиқиб кетишганда ҳеч кимга билдирмай бир банкасини олдим. Бу билан мактаб камбағал бўлиб қолмас.
- Нима? Ҳали ўғирлик қилдим дегин?- жаҳли чиқди ойисининг. Муштдек бошингдан шунақа ёмон ишларга қўл урдингми?
- Дадам ҳар гал ишхонасидан нарса кўтариб келганида сиз мақтайсиз-ку. Дадам бўлса, "Шу билан давлат камбағал бўлиб қолармиди?"-дейди.

Ойиси лабини тишлаб қолди.

- Ўғлим, тушунгин, давлат ишхонаси бошқа, мактаб бошқа.
- Нима фарқи бор?
- Ишхона катта, унда ҳамма нарса бор... Мактаб бўлса... унга тегиб бўлмайди.
- Ишхонада-чи?
- Айтдим-ку, мактабдан нарса олиш мумкин эмас, деб. Сен ўқишинг керак, илм олишинг керак. Қолаверса, отанг нима қилса, шуни қилаверишинг шарт эмас.
- Мактабда бўлса ўз ота-оналарингиздан ибрат олинглар, дейишади, - деди ҳафсаласи пир бўлиб Шодивой.

Ойиси нима дейишини билмай қолди.

**Гулшода ҚУРБОНОВА**

# ҚАРИМАЙ ДЕСАНГИЗ...

СОҒЛИГИНГИЗ БОЙЛИГИНГИЗ

## ЁҒЛАР УМРНИ ҚИСҚАРТИРАДИ



**Геронтолог олимлар кексайишга оид сабаблар устида кўп йиллик тадқиқотлар ўтказишиб, инсоннинг барвақт кексайиши учун асосан ёғлар сабабчи, деган хулосага келишди. Инсон танасида қариш жараёнининг қачон ва қандай бошланиши ана шу ёғларга боғлиқ экан.**

Кўп вақтгача инсон танасидаги ёғлар яшашга халал берадиган ортиқча маҳсулот ҳисобланган экан. Ҳозирги вақтда эса тери остидаги ёғлар қатлами қувват манбаи, дея ҳисобланади. Ушбу қувват манбаи инсонни совуқдан, турли хасталиклардан асраб, насл кўришига ёрдам беради.

Қондаги ёғ кислоталари инсоннинг умри давомида ўзгариб боради. Инсон туғилган пайтида эса улар жуда баланд бўлади. Биринчи йигирма беш йилда ёғ кислоталари ўсаётган тана ва тўқималар бўйлаб фаол тарқалади. Тана ўсишдан тўхтагач, унинг ёғ кислоталарига бўлган талаби камайса-да, ёғ кислоталарининг миқдори камаймайди. Бунинг натижасида танада ортиқча ёғ кислоталари йиғилади ва инсоннинг ўлимига сабаб бўлади.

50 ёшдан сўнг ёғ тўқималари ривожланишдан тўхтайди. Яъни, қувватни сақлаш вазифасини бажариб бўлади ва ёғ кислоталарини қонга ҳайдай бошлайди. Бу эса кексалик туфайли келиб чиқадиган хотира сусайиши, остеопороз, углеводлар алмашинувининг бузилиши ва қанд касалига сабаб бўлади. Ёғ кислоталари инсон 60-70 ёшга борганда танани бутунлай қоплаб олади.

### ПУШТСИЗЛИК...

Инсон умрини узайтиришнинг энг оддий ва маъқул усули кучли таомлардан воз кечиш, ёғ ва углеводли маҳсулотларни кам истеъмол қилишдир. Бироқ бундай парҳезга жуда ёшлик пайтдан бошлаб киришиш керак бўлади. Турли ҳайвонларда синаб кўрилган тажрибалар шуни кўрсатадики, туғилгандан бошлаб кам ёғ истеъмол қилган инсон ўз умрини бир ярим бараварга узайтирган бўлади. Лекин, бунинг яна бир муаммоли томони ҳам бор.

Агар инсон етарли озиқланмаса, унинг ёғ тўқималари ёмон ривожланади. Бу бепуштликка олиб келади. Аёллар шундай усулни қўлласа, уларнинг вояга етиши кечикади. Оқибатда эса уларнинг ҳам фарзанд кўриши кечикади ёки умуман фарзанд кўра олмайдиган бўлиб қолишади.

Демак, узоқ яшаш учун наслсиз ўтишга ҳамма ҳам рози бўлавермайди. Шундай экан ҳар бир инсон вақтида ва тўғри овқатлангани маъқул.

### АЁЛЛАРГА ЭСА...

Аёлларга эса углеводли парҳез тавсия этилади. Бу парҳез ёрмалар, картошка, қовурилган ёки димланган сабзавотлар ва ширин меваларидан иборат бўлиши керак. Ҳайз кўрадиган ёшдаги аёллар учун айниқса,тез ҳазм бўладиган глюкоза жуда зарурдир. Хипчабел бўлишни истаган аёллар эса ширин кулчалар ўрнига шакарланган меваларидан ейишлари мумкин.

Тез ҳазм бўладиган глюкоза суюқ шакарда яъни, ширин чой ва ширин ичимликларда ҳам бўлади. Лекин уни ҳаддан ортиқ кўп ичиш ҳам мумкин эмас. Чунки бу озиш ўрнига семиришга олиб келади.

### МЕЪЁРИ БИЛАН...

Қадди-қоматларига эътибор қиладиган кишилар одатда ўз таомномаларидан кучқувват берадиган овқатларни чиқариб ташлайдилар. Геронтологларнинг фикрича бундай қилиш нотўғри. Чунки ҳар қандай парҳез оқсил, ёғ ва углеводли маҳсулотлардан иборат бўлиши керак. Ҳар қандай ёшда ҳам ейиладиган ёғ миқдорини камайтирса бўлади.

### СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИНГ!

Эркаклар кўп овқат ейиши керак, деган гапни бот-бот эшитамиз. Аслида бундай эмас. Оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган эркаклар макарон, картошка, ёрма каби қийин ҳазм бўладиган маҳсулотли таомлардан кўпроқ ейишлари керак.

Шунингдек, уларга ёғсиз гўшт, творог каби оқсилга бой маҳсулотлардан кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Бу маҳсулотлар эркакларнинг тез-тез янгиланиб, оқсилга эҳтиёж сезадиган мушак тўқималарини оқсил билан таъминлайди.

Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ва доимо ўтириб ишлайдиган эркакларнинг озиқ-овқатлари эса аёлларникидан фарқ қилмайди. Бундай эркаклар тушликдан сўнг спорт залига бориб жисмоний машқлар билан шуғулланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки жисмоний меҳнат эркакларга овқатдан ҳам кўра муҳимроқдир.

Агар мушаклар ишламаса танадаги модда алмашинув жараёни бузилади. Эркаклар тез ҳазм бўладиган углеводлар, ширинликлар ва пиводан мутлақо воз кечишлари шарт. Кам ҳаракатлилик ва кучли таомлар ейилгач, ётиб ухлаш эса эрта ўлимга олиб келади. Агар эркаклар тез ҳазм бўладиган, углеводли таомлардан сўнг жисмоний меҳнатлар билан шуғулланмаса ёғлар қоринга тўпланиб, қориннинг катталашиб кетишига сабаб бўлади.

### ТАЛАБИГА ҚАРАБ...

Болалар озиқ-овқати геронтологиянинг энг мураккаб қисми ҳисобланади. Чунки, болаларга мўлжалланган озиқ-овқатлардаги ёғларнинг кўпайиб кетиши уларда жинсий ҳаётга эрта майл уйғотади. Бу эса уларнинг барвақт балоғатга етиб, барвақт кексайишига сабаб бўлади. Бола танасида ёғларнинг танқислиги эса унинг жинсий ривожланишдан орқада қолиб, пуштсизликка сабаб бўлади. Шу боис болаларга мўлжалланган озиқ-овқатларда меъёрни унутмаслик лозим. Шунингдек, болаларнинг фикрига ҳам эътибор бериш тавсия этилади.

Болаларнинг бирор маҳсулотга талаби кучая бошлаш жараёнини парҳезшунослар тўғри ҳолат, деб ҳисоблашади. Фарзандларингиз йўл-йўлакай бир бўлак нон чайнаб, югуриб кетишса, ёки қизингиз тинимсиз конфет сўрса уларни бу қилиғи учун тергаманг.

Чунки ўғил болалардаги мушак тўқималарининг тез-тез янгиланиш жараёни аста-секин ҳазм бўлувчи нон билан уларнинг қувватини тўлдириб боради. Қизларга эса ёғ тўқимасининг етилиши учун қўшимча глюкоза керак бўлади. Болаларга 3-4 хил таом бериб, зўрлаб овқатлантириш ярамайди.Бироқ, болалар қўшимча овқат сўраб қолишса, албатта рад этманг. Фарзандларингизда кузатилган «бўридек очлик» ҳолатини тушунишга ҳаракат қилинг.

Уларнинг ёш танаси ҳаракат оқибатида сарфланган қувватни тўлдириб туришлари учун тез-тез овқатланиб туришлари зарур. Айнан, «бўридек оч» соғлом болалар овқатни кам ейдиган, нимжон тенгдошларидан мутлақо ажралиб туришади. Овқат ҳазм қилиши бузилган болалар тинмай кавшаниб юришади. Бундай болаларнинг гормонал тизими ўзгариб, тўлик ва очлик ҳиссини сезиш қобилияти йўқолади.

Кузатилган бундай ўзгаришлар туғма бўлиши ёки кейинчалик пайдо бўлиши ҳам мумкин. Кейинчалик орттириб олинган бундай ўзгаришга болаларига тинимсиз овқат тиқиштиравередиган оталар сабабчи бўлишади.

Овқат ҳазм қилиш жараёни бузилган болалар одатда озғин, нимжон, овқатни вақтида ва кўп ейдиган тенгдошларига нисбатан кам ҳаракатда бўлади.

## УМРНИ УЗАЙТИРАДИ...

- **Тухум**— тўйимли, танага бутунлай сингиб, меъёрлаштирадиган ва ўпкадаги зарарланган тўқималарни тиклай оладиган маҳсулот ҳисобланади.
- **Балиқ ёғи**— моддалар алмашинувини нормаллаштириб, томирларда тиқинлар пайдо бўлиши, стенокардия ва қон босимининг олдини олиб, асаб томирлари, юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Тери ва соч ҳолатини яхшилайди. Болалар ва катталар учун бирдек фойдали.
- **Кунгабоқар ёғи**—линол кислотаси, Е дармондориси ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг асосий манбаидир. Танадаги холестеринли алмашинув жараёнини нормаллаштириб, қаршилик кўрсатиш қувватини ҳосил қилиб, кексайиш ва хотира сусайишининг олдини олади.
- **Карам**— таркибида табиий антиоксидант биологик фаол моддалар ва аминокислоталар манбаи бўлиб, таркибида саратон хасталигига қарши табиий биологик моддалар бор.
- **Сут**—оқсилга бой. Таркибида тез ҳазм бўладиган, «фойдали қанд», яъни, лактоза ва кальций кўпдир. Тана суякларини мустаҳкамлаб, асаб тизими фаолиятини яхшилайди.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**

---

# БЕЛИМ ОҒРИГАНДА...

*Дардимга даво топдим*

Бир йили қиш қаттиқ келиб, бир ой давомида бел оғриғи билан ётиб қолдим. Қилмаган муолажам қолмади, ҳисоби. Ўриндан тура олмай қолдим. Шунда бир дўстим ажойиб бир маслаҳатни бериб қолди.

Битта каттароқ итни яхшилаб чўмилтирасиз. Иложи бўлса, бургаси бўлмасин. Итни тезда сўйиб, терисини бел, тос, оёққа етганича ўраб, устидан қалин мато билан ўраб ётасиз. Уни туни билан эрталабгача ечмайсиз. Чанқоқликни қондириш учун иссиқ-иссиқ кўк чой ичиб турасиз. Терини эрталаб ечиб олиб, оёқ, белни совунлаб ювиб, қалинроқ кийиниб юрасиз. Уч кун ичида сиз отдай бўлиб кетасиз. Бу муолажа синовдан ўтган ва яхши натижа берган.

**Изоҳ: терининг ички қисми белга тегсин.**

**Султонмурод ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент вилояти,**
**Бўка тумани.**

# ЮЗ УЧУН ЙОГА

## АЖИНЛАР БИЛАН ХАЙРЛАШАМИЗ

***Юз учун йога машқлари ихлосмандлари ажинлар пайдо бўлишининг олдини олишнинг энг яхши йўли мунтазам махсус машқларни бажариб туриш, деб ҳисоблашади.***




*Юз учун мўлжалланган ушбу машқлар тўплами ҳаммага бирдек мос келади. Пластик операциядек оғриқли эмас, энг асосийси эса камҳарж. Бу машқларни мунтазам бажариб бориш нафақат ажинлар пайдо бўлишининг олдини олади, балки мавжуд ажинларни йўқотишга ҳам ёрдам беради.*



**1. Қовоқлар осилиб қолиши, ҳамда кўз атрофида ажинлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун:**

Мийиғингизда кулиб туриб, кўрсаткич бармоқларингизни кўзнинг ташқи бурчакларига суратда кўрсатилгандек қўйинг. Улар билан кўз ости терисини тортинг ва бир вақтнинг ўзида юзингизни буриштиринг. Кўз атрофидаги мушакларни таранглаштиринг ва бўшаштиринг. Машқни 20 марта бажаринг.

**2. Қовоқ устидаги мушакларни мустаҳкамлаш ва пешонада ажинлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун:**



Қошларингизни имкон қадар юқорига кўтаринг. Сўнг бармоқларингиз билан ажинларни пешонангизни текислаб уқаланг. Муолажани 20 марта такрорланг.



**3. Ёноқлар тонусини сақлаб туриш учун:**

Лунжингизни шишириб, оғзингиздаги ҳавони то нафасингиз етгунича бир лунжингиздан иккинчисига галма галдан ўтказиб туринг. Машқни тўрт марта такрорланг.

**4. "Шер" - юз учун йоганинг энг яхши машқларидан бири:**



Оғзингизни каттароқ очинг. Тилингизни иложи борича чиқариб, кўзларингизни суратдагидек тепага қаратинг. Бу ҳолатни бир дақиқа ушлаб туриш лозим.

**5. "Шипни ўп" - машқларнинг яна бири шундай номланади:**



Бошингизни орқага ташлаб, лабингизни чўччайтиринг. Энди лабларингизни юқорига тортинг. Ушбу ҳолатни 15 сония ушлаб туринг, сўнг дастлабки ҳолатга қайтинг. Машқни тўрт марта такрорланг.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, "Шипни ўп" деб номланган бу машқ жағ ва ёноқлар мушакларини мустаҳкамлаб, лабларни майин ва юмшоқ қилади.

**6. Лаб мушакларини мустаҳкамлаш учун:**



Бўйнингизни олдинга чўзиб ҳаво орқали бўса йўллаш ҳолатини тасвирланг. Машқни 10 марта бажарганингиздан сўнг лабларингизга иккита бармоғингизни қўйинг. Улар билан лабларни енгил босганча яна ўн марта ҳаво орқали бўса йўллаш машқини бажаринг.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# НИМА ЕСАК ЭКАН...

***Таомга баҳо бера туриб, аввало унинг таъми ҳақида гапирамиз. Шу билан бирга таом таъми ундаги энергиянинг алоҳида хусусиятларидан далолат бераркан. Бу энергия организмнинг ҳаётий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.***

Ҳаёт ҳақидаги қадимги ҳинд фани Аюрведа олтита асосий таъмни ажратиб кўрсатади: **ширин, нордон, шўр, аччиқ, тахир ва қимизак (тишни қамаштирувчи) таъмлар.** Бу таъмлар организмга турлича таъсир кўрсатади.

**Ширин** таъм тана кучини мустаҳкамлайди, кўпайтиради, овқат ҳазм қилишга кўмаклашади, бироз иссиқлик берадиган хусусиятга эга. Ширин таъм яраларнинг битишига кўмаклашади, сезги органларини равшанлаштиради, умрни узайтиришга ёрдамлашади. Ширин таъмга эга маҳсулотлар болалар, қариялар ва заиф кишиларга фойдалидир. Лекин ширин таъмли маҳсулотларни ҳаддан ортиқ кўп ейиш зарарли, чунки бу семизлик ривожланишига, ёғли шишлар ҳосил бўлишига ва сийдик таркибининг бузилишига олиб келади.

**Нордон** таъм қон югуртирувчи таъсирга эга, иштаҳани қўзғатади, овқатнинг бўлиниши ва ҳазм бўлишига, суюқликнинг организмда ушланиб туришига кўмаклашади, тиқинларни очади ва ичакларнинг ўтказувчанлигини оширади. Нордон маҳсулотларни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш заифлик, бош айланиши, салқиш, қалтираш ҳолатини келтириб чиқаради.

**Шўр** таъм тозаловчи хусусиятларга эга: ич қотганда юмшатади, қорин дам бўлганда фойда беради, тиқилиб қолган қон томирларини тозалайди, иштаҳани очади, сўлак ва ошқозон шираси ажралиб чиқишини оширади, совуқ маҳсулотларга иситилганлик хусусиятини беради. Шўр маҳсулотларни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш соч тўкилиши, сочнинг вақтидан олдин оқариши, ажинлар тушишига олиб келади.

**Аччиқ** таъм овқат ҳазм бўлишини ва иштаҳани яхшилайди, баданни қиздиради ва организмдан суюқлик чиқиб кетишига кўмаклашади, томирларни кенгайтиради, тана, айниқса ўпка бўшлиқлари тозаланишига кўмаклашади, заҳарланганда, ҳушдан кетганда, қалтираш ҳолатида одам аҳволининг яхшиланишига ёрдам беради, ҳушга келтиради. Аччиқ маҳсулотларни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш организмни ҳолсизлантиради.

Бошқаларига қараганда **тахир** таъм организмнинг баъзи хусусиятларини кучлироқ қўзғатади, иштаҳани кўтаради, томоқ оғриганда фойда беради, яраларни ва теридаги чипқонларни битиради. Тахир таъмли маҳсулотларни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш жинсий фаолиятга салбий таъсир кўрсатади, ажинлар пайдо қилади, ҳушдан кетиш, орқа ва белда оғриқ пайдо қилади.

**Қимизак (вяжущий—тишни қамаштирувчи)** таъм қуритувчи хусусиятга эга. У йиринг, қон, сафрони қуритади, яраларни битиради, тери рангини яхшилайди, кучли совутади.

Маълумки, овқат ҳазм қилиш йўли орқали ўтгандан кейин таом ўз таъмини йўқотади. Масалан, ширин ва шўр таомлар ширинга айланади, нордонлари янада нордонроқ, аччиқроқ ва қимизак бўлади, тахир таъмдаги маҳсулотлар аччиққа айланади. Шундай қилиб, дастлабки олти таъмдан организмда иккиламчи учта таъм ҳосил бўлади.

Иккиламчи **ширин** таъм ҳосил қиладиган маҳсулотлар тана мустаҳкамлиги, оғирлиги ошишига кўмаклашади. Ширин егулик шилимшиқ пардани кўпайтиради (демак, шамоллаш, йирингли касалликлар, сариқ сув йиғилган ўсмалар, шишлар, иммунитет сусайиши), организмнинг иссиқлик бериш қобилияти пасайиши ва ёғ босишини келтириб чиқаради. Интеллектуал даражада бу бефарқлик, лоқайдликда намоён бўлади.

Иккиламчи **нордон** таъм ҳосил қилувчи маҳсулотлар организмнинг иссиқлик берувчи, интеллектуал ва овқат ҳазм қилиш қобилиятини оширишга кўмаклашади. Нордон таъмнинг ортиб кетиши қон таркибини ёмонлаштиради, яраларга, тери касалликларига, жиғилдон қайнашига олиб келади.

Иккиламчи **аччиқ** таъм ҳосил қилувчи маҳсулотлар организмнинг тозаланишига, ҳаётий жараёнлар қўзғалишига кўмаклашади ва ориқлашга олиб келади. Аччиқ таъмнинг ортиқча бўлиши тана кучини заифлаштиради, организмнинг сувини қочиради. Руҳий томондан бу тез-тез сабабсиз қўрқувга тушишга, бекордан-бекорга ҳаяжонланаверишга олиб келади.

Хўш, таъмлар ҳақидаги бу ахборотдан қандай амалий фойдаланиш мумкин? Айтайлик, сиз тана ҳароратини оширишни истайсиз. Бунинг учун бир овқатда ҳам тахир, ҳам нордон таъмни уйғунлаштирувчи таомлардан ёки нордон ва шўр таъмни уйғунлаштирувчи таомлардан фойдаланишингиз керак. Тахир ва нордон таъмларнинг уйғунлашуви тана ҳароратини ошириш билан бирга, озишга, нордон ва шўрнинг уйғунлашуви эса аксинча семиришга кўмаклашади.

Масалан, биринчи овқатга – тахир ёки нордон таъм берувчи зираворли салат ёки димланган сабзавотлар, иккинчи овқатга – нордон ва тахир таъмли каша ёки оқсилли маҳсулотлар истеъмол қилган маъқул.

Агар сиз танангизни енгиллаштирмоқчи (озмоқчи, ҳаракатчанроқ бўлмоқчи) бўлсангиз, тахир билан уйғунлашган аччиқ ёки тахир билан уйғунлашган нордон таъмлардан фойдаланинг. Бунда биринчи ҳолатда бадандан ортиқча шилимшиқ моддалар чиқариб юборилади, иккинчи ҳолатда – организмнинг иссиқлик берувчи қобилияти ортади (иммунитет ошади, овқат ҳазм қилиш яхшиланади, интеллектуал фаоллик ошади).

Агар сиз танада қуруқлик ошишини (балғам, шилимшиқ пардалардан халос бўлишни) истасангиз қуйидаги таъмга эга маҳсулотлардан фойдаланинг: аччиқ-қимизак; тахир-қимизак; тахир-аччиқ. Бунда биринчи ҳолатда тана қуруқлиги билан бир вақтда совуқ хусусиятлар кўпаяди (бундай уйғунликдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш ёзда тавсия этилади). Кейинги икки вариантда, аксинча, илиқлик қўшилади, бу йилнинг совуқ вақти учун ёки доим совқотадиганлар учун яхши.

Агар организмни совутаман десангиз, ширин таъмли ёки аччиқ ва қимизак таъм уйғунлигидаги маҳсулотлардан фойдаланинг. Биринчи ҳолатда семиришингиз, иккинчи ҳолатда эса озишингиз мумкин.

Агар семиришни истасангиз, шўр-ширин ёки ширин-нордон таъмлар уйғунлигидан фойдаланинг. Биринчи ҳолатда сиз асосан ёғли тўқималарни кўпайтирасиз, иккинчисида эса мушаклар ортишига эришасиз.

Агар таом нордон таъмли бўлса, ичакларнинг ўтказувчанлигига кўмаклашади, қимизак эса аксинча қизилўнгач спазмасини келтириб чиқаради ва ичакларнинг ўтказувчанлигини қийинлаштиради. Буни айниқса қорин дамлашига учраган одамлар билиб қўйсалар, яхши бўларди.

**Н. ИМОМОВ тайёрлади**

# МАЙИЗ ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

*Маслаҳатхона*

Майиз узум мевасини қуритиш йўли билан олинади. Узум қуритилганда унинг таркибидаги сув йўқолиб, у қуруқ ҳолга келиб қолади. Узум мевасининг таркибида сувдан ташқари нима бўлса ўша моддалар майизда ҳам сақланиб қолади.

Майиз таркибида асосан калий микроэлементининг миқдори кўпдир. Шу сабабдан ҳам у пешоб ҳайдовчи, ич юмшатувчи, юрак фаолиятини кучайтирувчи, шишларни қайтарувчи таъсирга эга. Майиз таркибида глюкоза ва фруктозанинг кўплиги организм хужайраларини энергия билан таъминланишини кучайтиради.

Майиз таркибидаги полифеноллар эса организмдаги заҳарли моддаларни, хусусан "эркин радикаллар"ни нейтраллаб организмни ёшаришига олиб келади. Майизни кўп истеъмол қилганда организмда калий миқдорини ошиши ҳам хужайраларнинг ёшаришини таъминлайди.

Майизни доимо истеъмол қилган аждодларимиз юқоридаги сабабларга кўра касаллик нима эканлигини билмай, узоқ ва мазмунли ҳаёт кечиришган. Агар, биз боболар измидан бориб майизни кунига истеъмол қилишга ўргансак, демак биз доимо соғ бўлишимизни, узоқ умр кўриб ҳаёт лаззатларидан кўпроқ баҳраманд бўлишимизни таъминлаган бўламиз.

**Раҳматилла БЕКТОШЕВ,**
**олий тоифали шифокор.**




**564** **Ёшим 51 да.** Тошкент вилоятида яшайман. Ажрашганман. Ишлайман. Жиддий, оғир-вазмин эркакман. 35 ёшгача бўлган (бир фарзанди бўлса майли), оқила, уйим-жойим дейдиган, яхши оиланинг фарзанди бўлган, саранжом-саришта, оққўнгил аёл бўлса уйланиб оила қурган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Абдулла**

**565** Синглимнинг **ёши 27 да.** Келишган, ақлли қиз. Нуфузли жойда ишлайди. Касб-ҳунари бор. Пазандачиликни жойига қўяди. 35 ёшгача бўлган, жиддий, оилани таъминлай оладиган, уй-жойли, синглимни эъзозлайдиган, тошкентлик йигит бўлса куёв қилган бўлардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Мухлиса опа**

**566** **Ёшим 50 да.** Асли самарқандликман. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман. Касбим ўқитувчи. Қалби пок, касбига меҳр қўйган инсонман. 38-45 ёшгача бўлган, Тошкентда яшайдиган, кўнглимни тушуна оладиган, уй-жойли, касбли ёки ишлайдиган бир аёл бўлса (бир фарзанди бўлса айли), уйланиб, оила қурган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Назруллоҳ**

**567** **Ёшим 32 да.** Ажрашганман. Ишлайман. Икки нафар фарзандларим билан ўз уйимда яшайман. Ёлғиз аёлга қийин экан. Мен ҳам яхши-ёмон кунларимда ёнимда турадиган турмуш ўртоғим бўлишини истайман. 40 ёшгача бўлган, ишлайдиган, жиддий сабаб билан ажрашган, диёнатли эркак бўлса, оила қурган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нафосат**

**568** **Ёшим 31да.** Ажрашганман. Асли Сирдарё вилоятиданман. Ҳунармандчилик билан шуғулланаман.25-27 ёшгача бўлган, қишлоқда яшай оладиган, мулойим, меҳрибон, оила аъзоларимни ҳурматини жойига қўя оладиган ораста қиз билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Элёр**

**569** **Ёшим 57 да.** Асли бухороликман. Ажрашганман. Болаларимдан қутулганман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Покиза,пазанда аёлман. 60 ёшгача бўлган Бухоро вилоятида яшайдиган,фарзандларидан қутулган, ёлғиз, жиддий, диёнатли эркак бўлса турмушга чиқиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ойдин**

**570** **Ёшим 34 да.** Ажрашганман. Асли тошкентликман. Ишламайман. Кичик қизалоғим бор. 41 ёшгача бўлган, уй-жойли, олижаноб, қизчамга оталик меҳрини бера оладиган, жиддий, тошкентлик эркак бўлса, танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Моҳирўй**

**571** **Ёшим 30 да.** Асли тошкентликман. Ажрашганман. Икки нафар қизим бор. Маълумотим олий,. зиёлиман. 40 ёшгача бўлган, баланд бўйли, олий маълумотли, хушфеъл эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулбаҳор**

**572** **Ёшим 44 да.** Ажрашганман. Асли қашқадарёликман. Ҳозир Қарши шаҳрида яшайман. Ҳунармандчилик билан шуғулланаман. 35 ёшгача бўлган, ажрашган, бир фарзанди бўлган, саришта. Қашқадарёда яшайдиган, ораста бир аёлга уйланиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Турсун**

**573** **Ёшим 70 да.** Янгийўлда яшайман. Аёлим етти йил аввал вафот этган. Тўрт нафар қизларимнинг ҳаммаси уй-жойли бўлиб кетишган. Катта ҳовлимда ёлғиз ўзим яшайман. 60 ёшгача бўлган,ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган, яхши суҳбатдош бўла оладиган бир аёл бўлса уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда**

**Абдухалил ота**

**574** **Ёшим 31 да.** Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Ҳали турмушга чиқмаганман. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тушунадиган, иродали, кўркам қизман. 40 ёшгача бўлган, кўнглимни тушуниб, ҳаётда, турмуш синовларида менга суянч бўла оладиган, Тошкент шаҳрида яшайдиган йигитга турмушга чиқиб, унинг садоқатли ёри бўлишни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нилуфар**

**575** Синглимнинг **ёши 51 да.** Олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Фарзандларидан тинчиган. Замонавий, дунёқараши кенг, жиддий, 60 ёшгача бўлган (қаерлик бўлишидан қатъий назар), инсофдиёнатли киши бўлса узатардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Дилдор опа.**

**«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

# БИР МЕҲРЛИ АЁЛ БЎЛСА...

**576**

Одатдаги иш кунларимдан бирида хонам эшиги тақиллади.

- Киринг, эшик очиқ-ку! -деганимдан сўнг бир барваста эркак тортинибгина кириб келди.

- Асли Тошкент вилоятиданман. **Ёшим 54 да.** Исмим Зокир. Мен илгари ҳам бир келгандим. Аёлимни туғилган куни билан табриклагандим. Бугун эса... - у ерга қараб жим қолди.



**- Нима бўлди, бугун ҳам шундай бир эзгу ният билан келгандирсиз?**

- Қани энди, шундай бўлса... Лекин бугун мен "Оила" бўлимига келдим...

**- Уйланмоқчимисиз?**

- Ҳа, бошқа иложим ҳам йўқ. Чунки аёлимдан айрилиб қолганман. Бунга ҳам уч йилдан ошди. Эҳтимол кап-катта эркакнинг таҳририятга умид билан келиши ножоиздир. Аммо умидим сизлардан. Аслида аёлим жуда яхши эди. 30 йилдан ошиқ бир-биримизга ширин гапириб, меҳру оқибат билан яшадик. Бироқ йиллар давомида эришган бахтингиздан бир зумда айрилиш ҳеч гап эмас экан.

**- Аёлингиз билан боғлиқ бирор фожиа юз берганмиди?**

- Шундай. Ўша, фожиа юз берган куни бизнинг бешинчи набирамиз туғилганди. Жуда хурсанд эдик. Бозордан майда-чуйда олиб, хушнуд кайфиятда уйга қайтаётгандик. Йўлда аёлим бир танишини кўриб, бироз ушланиб қолди.

Мен эса йўлимда давом этардим. Машина овозини, ғилдиракнинг чийиллаган овозини эшитиб ортимга қарадим. Қарасам... Аёлим йўл четида муқ тушиб ётар, боши атрофида қон халқоблана бошлаганди. Ҳайдовчи иккимиз уни касалхонага олиб бордик. Йўқ,умри насибаси тугаган экан. Икки соатдан сўнг жони узилди.

Маъракаларини ўтказгач,уйга сиғмай қолдим. Ҳар томондан аёлимнинг овози эшитиларди гўё...

**- Ҳозир ҳам ёлғизмисиз?**

- Йўқ, ўғлим билан келинимни кўчириб олиб келдим. Уларга ҳам алоҳида ҳовли қилиб бергандим. Шундан буён ҳувиллаган уйимга файз кирди. Набираларимни кўришдан , уларнинг овозини эшитишдан дилим яйрайди. Келиним жуда фаросатли экан. Менинг ўйчан бўлиб қолганимдан хавотирланибди, шекилли. "Додажон, сиз уйланишингиз керак. Ўғлингиз, набираларингиз ўз йўлига, биз ўз ташвишларимиз билан бандмиз.

Лекин, эрталаб биз ишга. Болалар эса боғчага кетгач, яна бир ўзингиз қоласиз. Яхшиси бирорта оқила аёлга уйланинг. Уни қайнонам ўрнида кўриб, бошимга кўтариб юраман", - деб қолди. Мана, шу сабаблар билан таҳририятга келдим. 50 ёшлар атрофидаги бир аёл бўлса, оиламизга меҳр қўйса, биз ҳам уни ардоқлар эдик. Оиламиз тинч, уй-жойларимиз етарли.

**Илоё,ҳаммага қўшгани билан қўша қариш насиб этсин! Бироқ бу бахт насиб этмаса тақдирдан нолимаслик яна бир бор бахтли бўлишга интилиш лозим. Зокир ака ҳам яна ўз тақдирини бирорта аёл билан боғламоқчи.**

***Зокир ака билан танишишни истаганлар учун у кишининг манзили таҳририятда.***

* * *

**577**

- **Ёшим 61 да.** Исмим Равшан. Тошкентликман. Аёлим вафот этган. Бунга ҳам анча бўлди. Аҳил, катта оиланинг бошлиғиман. Худога шукр, болаларим уйлик-жойлик бўлиб кетишган. Бир кенжа ўғлим қолган. Устаман, ҳали ишлайман, машина ҳайдайман. Оиламни моддий томондан таъминлаб қўйганману, лекин... - дея гап бошлади чайирлиги кўриниб турган киши.

**- Уйланиб оила қуришни ният қилгансиз, шундайми?**

- Албатта, бир тан маҳрамим бўлса дейман-да. Айтганимдек, устачилик қиламан. Азбаройи пул учун эмас. Вақтимни ўтказиш, қолаверса одамларга фойдам тегиши учун ишлайман. Уй қурсам пойдеворидан бошлаб, полию шифтигача ўзим туғаллайман. Бу ишимдан завқ ҳам оламан. Бундан ташқари деҳқончиликка ҳам қизиқиб, лимон етиштириш билан ҳам шуғулланаман. Бир эркак билиши керак бўлган барча юмушларни маромига етказаман. Бундан ташқари кичик ҳикоялар ҳам ёзиб тураман. Хуллас,таъби нозик инсонман. Қани энди ўзимдек, кўнгли нозик оқила бир аёлни учратиб, оила қурсам...

**Равшан ота сумкасидан қоралаган ҳикояларини олиб кўрсатди. Ўқиб кўрдим, ёмон эмас. Равшан ота кейинги гал буларни бошқатдан кўчириб келишини айтиб қўзғалди.**

***Меҳнаткаш, нозик таъб бу инсонга рафиқа бўлишни истаган аёллар учун у кишининг манзили таҳририятда.***

**БАСИРА** тайёрлади

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

**E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru**
**oilavajamiyat@mail.ru**

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

**Бош муҳаррир: 134-86-91**
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**
**Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46**
**Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**
**«Олой» бозори ёнида.**

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10968

Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 4 5